Нив. 8
Гос. книжная палата УзССР
19 ИЮЛ 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 162 (18.639). • Шанба, 1983 йил 16 июль • Баҳоси 3 тийин.

БУТУН ҲОСИЛНИ ТЕРИБ ОЛАЙЛИК, ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК ВА АСРАЙЛИК!

БАРЧА КУЧ — МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШГА!

БУКА (Тошкент области), 15 июль. (ЎзТАГ). Шу кунларда Тошкент областининг пахтакорлари, барча деҳқонлари ва чорвадорлари қизғин меҳнат қилмоқдалар. Улар КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқидаги қондалар ва хулосаларга амал қилиб, Ватанни меҳнатда янги-янги ютуқлар билан ҳушнуд этишга интилмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг бугун Бўкада бўлиб ўтган область кенгашида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, мавсумга намунали тайёргарлик кўриш, беш йилликнинг учинчи йили учун зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида гапирилди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов очди. Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов доклад қилди.

Доклад ва музокараларда сўзга чиққан Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Исломов, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригадири В. Тўхтабоев, Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Ж. Элчибоев, Калинин районидаги «Назарбек» совхозининг бригадири Т. Арслонов, Ғалаба район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси М. Чинташев, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири Д. Раҳбаров, Пискент Ер ишлари районидаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг директори А. Дусбеков, Чиноз наслчилик совхоз техникумининг сут соғувчиси Л. Р. Паренко, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири С. Йўлдошев, Янгийўл пахта тозалаш заводининг директори Ф. Собировлар область қишлоқ меҳнаткашлари 1983 йил план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборганликлари, давлатга пилла сотиш социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилганлиги, гўшт, тухум тайёрлаш ярим йиллик планлари адо этилганлиги, сут, сабзавот, картошка, дала ва фермаларини бошқа маҳсулотлари ўтган йилга қараганда анча тезроқ топширилаётганлигини айтдилар.

Кенгашда пахтачиликка катта эътибор берилди. Сўзга чиққан ўртоқлар қишлоқ хўжалигининг мана шу асосий тармоғида ишларнинг аҳволини таҳлил этиб, пахтакорларнинг яқин кунлардаги вазифаларига тўхталиб ўтдилар. Барча мавжуд резервлар ва имкониятлар «оқ олтин»дан мўл ва эрта ҳосил тўплаш, пахтани қисқа муддатларда ва нобуд қилмай териб олиш, ҳосилнинг юқори сифатли бўлишига эришиш учун барча мавжуд резервлар ва имкониятларни ишга солиш зарурлиги тўғрисида гап борди. Барча мавжуд материал ресурслар, ишчи кучидан самарали фойдаланишга, ҳосил етиштиришнинг индустриал методларини жорий этишга асосланган ва олдинги йилларда ҳаммага манзур бўлган технологияни янада такомиллаштириш ва кенгроқ ёйиш бунда муҳим роль ўйнаши зарур.

Нотиқлар область деҳқонлари ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, ғўзани ўстиришдаги қолоқликни камайтиришга муваффақ бўлганликларини кўрсатиб ўтдилар. Ҳозирги вақтда катта майдонлардаги ғўзаларда 2—3 тадан кўсак бор. Широқ айрим хўжаликларда экинларни парвариш қилиш сифати кўнгилдагидек эмас. Пахтадан мўл ва барвақт ҳосил тўплаш учун курашнинг энг масъулиятли, ҳал қилувчи даври бошланган ҳозирги пайтда ҳар бир деҳқон экинларнинг яхши ўсишини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши зарур.

Мана шу саратон кунларида механизаторларга кўп нарса боғлиқ. Уларнинг вазифаси техникадан юксак унум билан фойдаланишга эришиш, машиналарнинг бир дақиқа ҳам бекор туриб қолишига йўл қўймасликдан иборат.

Мироблар ишда юксак уюшқоқлик кўрсатишлари лозим. Экинларни кечаю кундуз суғориб, ғўзанинг чанқаб қолиши ва сув босишига йўл қўймаётган, шарбат усулида суғоришни кенг қўлланаётган, сувдан оқилона фойдаланаётган, бутун далада тупроқнинг бир текис намланишини таъминлаётган сувчиларнинг ишлари мақтовга сазовордир.

«Оқ олтин» етиштиришда сарфларни камайтириш — колхоз ва совхозларнинг асосий вазифаларидан биридир. Афсуски, иқтисодий ишларга кам эътибор бераётган, маблағлардан оқилона фойдаланмаётган хўжаликлар ҳам учраб туради. Кам маблағ сарфлаб пахтадан мўл ҳосил олиш имконини берадиган коллектив пудратни кенг жорий этиш колхоз ва совхозларнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда катта роль ўйнаши зарур.

Кенгашда сўзга чиққан ўртоқлар ҳозирги вақтда ҳосилни йиғиштириб олишга тайёргарлик кўришга оид ишларни кучайтириш, барча терим техникасини шай қилиб қўйиш, пахтани қуритиш майдончаларини, тош-тарозини, транспорт воситаларини тахт қилиб қўйиш, йўллар ва кўприкларни ремонт қилиш кераклиги, дефолияция ўз вақтида ва сифатли ўтказиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини тайёрлашга, қуритиш, тозалаш цехларининг узлуксиз ишларини таъминлашга, ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлашда илғор технологияни кенг жорий этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу эса пахта толаси сифатли бўлишига эришиш имконини беради. Пахта тозалаш заводларининг қувватидан тўлароқ фойдаланиб, пахта қайта ишлаш муддатларини кескин қисқартириш лозим. Бу толанинг сифатини яхшилаш, биринчи сорт толанинг миқдорини кўпайтириш имконини беради.

Кенгаш қатнашчиларининг нутқларида чорвачилик, озуқа тайёрлаш, дончилик, сабзавотчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди. Дон учун экиладиган маккажўхори майдонини кенгайтириш, маккажўхори донини етиштиришни кўпайтириш, ҳар гектар ердан камида 100 центнер ҳосил олишга эришиш даркор.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент областининг барча меҳнаткашларига мурожаат қабул қилдилар. Мурожаатда социалистик мусобақани янада авж олдириш, пахта, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан 1983 йилги мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун куч ва ғайратни аямасликка даъват этилади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров ўртоқлар иштирок этдилар.

Бағдод районидаги «Дўстлик» совхозининг дашт, тошлоқ ерларида жойлашган бепоён боғларида бу йил ҳосил мўл бўлди. Ширин-шакар мевалар ўз вақтида нест-нобуд қилинмасдан давлат тайёрлов пунктларига ҳамда савдо шаҳобчаларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бу ишда совхоз транспортчилари алоҳида жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Суратда: хўжаликнинг илғор шофёри Иқромжон Акрамов акс эттирилган. У транспортчилар мусобақасида кўпинча ғолиблик кўрсатиб келаётир. Бунинг учун у ҳар доим тақдирланмоқда.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

ЧЎПОНЛИК КАСБИНИ ТАНЛАШДИ

Томди районидаги Балиманов номли мактабнинг 10-синф битирувчилари чўпон комсомол-ёшлар отрядига аъзо бўлиб, Қизилқумдаги фермалар ва яйловларда ишлай бошлади.

Навоий областидаги бошқа районларда ҳам зарбдор чорвачилик отрядлари 10-синфни битириб чиққан ёшлардан тузилмоқда. Ўрта мактабларни битириб чиққан олти юзга яқин йигит ва қиз чўпонлик касбини танлади. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ю. В. Андропов бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг Ж. Марше бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси делегацияси билан учрашуви якунларини кўриб чиқди.

Сиёсий бюро КПСС ва ФКП делегацияларининг Қўшма баёнотини маъқуллаб, бу учрашув ва унда қабул қилинган ҳужжат ҳар икки партия ўртасидаги дўстлик ва бирдамлик муносабатларини янада ривожлантириш, уларнинг ҳозирги халқаро аҳволга доир энг муҳим масалаларга ёндашувидаги бирликни чуқурлаштириш учун, тинчлик йўлидаги ва кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш йўлидаги кураш учун катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Совет ва француз халқларининг манфаатлари, шунингдек Европада ва бутун жаҳонда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатлари СССР билан Франция ўртасида, ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорлик бўлишини талаб этаётганлиги хусусида КПСС ва ФКП қарашларининг бир-бирига мос келганлиги мамнуният билан қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналар)нинг планлаштириш ва хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш ва ишнинг натижалари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш борасидаги қўшимча тадбирлар кўриб чиқилди. Партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларидан келиб чиқадиган бу тадбирлар корхоналар, министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикаларнинг раҳбарлари, илмий ходимлар ва мутахассис-практикларни кенг жалб этилган ҳолда ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда корхоналарнинг директорлари ва олимлар томонидан изҳор қилинган таклифлар, шунингдек матбуот саҳифаларида эълон қилинган танқидий мулоҳаза ва таклифлар ўз ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилинган қарорида ва ҳукуматнинг тегишли қарорларида саноатдаги асосий бўғин — ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг фаолиятини планлаштиришни яхшилаш, сифатли, юксак даражада унумли меҳнат қилишни, ташаббус ва социалистик омилкорликни рағбатлантирадиган, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни интенсивлашни таъминлайдиган шарт-шароитларни вужудга келтириш белгиланди. Бу тадбирлар халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда демократик асосларни ривожлантириш билан, корхоналарни ва бирлашмаларни бошқаришда меҳнат коллективларининг ролини ошириш билан, хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш билан бирга қўшиб олиб бориб, экономикани марказлаштирилган ҳолда янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутади. Шу мақсадда саноатнинг бир қанча тармоқларида планлаштириш ва хўжалик фаолияти соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, иш натижалари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш борасида иқтисодий тажриба ўтказиш кўзда тутилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорининг баёни марказий матбуотда эълон қилинади.

Атом электр станциялари қурилиши ва улардан фойдаланиш ғоят кенгайтириб юборилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советининг бундай электр станцияларнинг пухталиги ва хавфсизлигини ошириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисидаги, шунингдек атом энергетикасида хавф-хатарсиз иш олиб борилишини назорат қилувчи СССР Давлат комитетини тузиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги таклифларини маъқуллади.

Сиёсий бюро Волгодонск шаҳрида ишлаб чиқариш объектлари ва социал маданий объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва ишга туширишда вақтида айрим министрликлар, идоралар ва уларга бўйсунган ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан давлат интизомининг қўпол равишда бузилганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ва СССР Халқ контроли комитетининг ахборотини тинглади. Бундай бузишларда айбдор бўлган мансабдор шахсларга қаттиқ жазо берилди. СССР Министрлар Совети, тегишли министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия ва давлат органлари шаҳардаги саноат объектларини ва социал маданий объектларни лойиҳалаш ҳамда қуриш вақтида рўй берган камчиликларнинг оқибатларини тугатиш учун зарур чораларни кўришлари эътиборга олинди.

Сиёсий бюронинг мажлисида КПСС Марказий Комитетида Ж. Хауи бошчилигидаги Ливан Коммунистик партияси делегацияси билан ўтказилган учрашув тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига доир бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

ПОРТУГАЛИЯЛИК МЕҲМОН

Португалиянинг собиқ Бош министри, «Португалия — СССР» жамияти президентлик кенгашининг аъзоси В. Гонсалвиш Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. У чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятига борди, Бухоро ва Самарқандга сафар қилди.

15 июль куни В. Гонсалвишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДАН ЯНГИЛИКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 15 июль. (ТАСС). «Салют-7» «Союз Т-9» — «Космос-1443» орбитал комплекси ичида космонавтлар Ляхов ва Александровнинг меҳнат вахтаси давом этмоқда.

Кеча экипаж халқ хўжалиги вазифаларни ва илмий вазифаларни ҳал этиш манфаатлари йўлида Ер юзи комплекс тадқиқотларининг биринчи туркумини тугатди. Совет Иттифоқи территориясининг ўрта ва жанубий кенгликларидаги катта-катта районлари фотосъемка қилинди. Шу тадқиқотларда фотоаппаратлардан ташқари Болгариянинг «Спектр-15» приборидан ҳамда ГДР мутахассислари ишлаб чиққан МКС-М спектрометридан фойдаланилди.

Гамма нурланиш ва зарядланган зарра оқимлари тўғрисида информация олиш учун Ер атрофи космик фазосида «Елена» деган ихчам гамма телескоп тайёрланиб ишга туширилди.

Космонавтлар бошланган тадқиқотлар ва эксперименталар билан бирга «Космос-1443» кемаси ичини бўшатмоқдалар, келтирилган приборлар ва ускуналарни жойжойига ўрнатмоқдалар.

Бугун экипаж станцияда белгиланган профилактика ишларини ўтказиш, айрим борт ичидаги системалар ишлашини текшириш, илмий аппаратларни бўлғуси экспериментларга тайёрлаш билан банд. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш ҳам кун тартибининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Владимир Ляхов ва Александр Александров соғлиғига холис баҳо бериш мақсадида яқинда экипаж комплекс тиббий текширувдан ўтказилди. Жумладан тинчлик ҳолатида юракнинг биоэлектрик активлиги ҳамда гидростатик босимга тақлидан юрак-қон томир системасининг ишлаши текширилди. Шу текшириш натижаларига кўра иккала космонавт соғ-саломат ва ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Салют-7» — «Союз Т-9» — «Космос-1443». илмий-тадқиқот комплексининг учиши нормал ўтмоқда.

ФРАНЦИЯ МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ ВАКИЛЛАРИ

15 июль куни тошкентликлар Франция касаба союз активларидан бир группасини шодиёна кутиб олдилар. Группада Франциядаги энг катта касаба союз бирлашмаси — Умуммеҳнат конфедерациясининг аъзолари бор. Улар совет касаба союзларининг таклифига биноан дўстлик поездида Совет Иттифоқига келганлар.

Франция вакиллари Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Шу куни улар Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

10 минг тонна маккажўхори дони тайёрлаймиз

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

*** Парвариш кучайтирилиб, бўлиқ сўталар етиштирилмоқда. * Комбайнлар, молотилкалар, трактор прицеплари ва бошқа механизм-агрегатлар шайланмоқда * Ўрим икки сменада ташкил этилади. Механизаторларнинг маънавий ва моддий манфаатдорлиги оширилади. * Давлатга уруғлик дон топшириш плани ортиғи билан бажарилади. Хўжаликнинг ички эҳтиёжи учун сараланган уруғлик жамғариб олинади.**

Совхозимиз маккажўхори етиштиришга ихтисослаштирилган. 1200 гектар майдонда «дала маликаси» ўстирмоқдамиз. Совхозимиз ишчиларининг фидокорона меҳнати, техника ва ўғитлардан самарали фойдаланилиши туфайли ҳамма майдонларда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштирилмоқда. Ҳозир ҳар туп ўсимликда икки-учтадан бўлиқ сўталар бунёдга келтирилди.

Шуни айтиш керакки, совхозимиз уруғчилик хўжалигидир. Давлат тайёрлов ташкилотлари, қўшни колхоз ва совхозларга давлат наряди бўйича районлаштирилган, серҳосил, маҳаллий шароитга мослашган уруғлик маккажўхори дони етказиб берамиз. Бу билан нафақат районимизда, балки областимизда ҳам «каҳрабо дон» ва чорва моллари учун кўплаб тўйимли озуқа етиштирилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

Маккажўхорикорларимиз кўп қийинчиликларга дуч келдилар. Ана шундай пайтларда маккажўхорикорларимиз партия ташкилоти атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкамроқ жипслашиб, астойдил меҳнат қилди, табиий қийинчиликларни ҳалол меҳнатлари билан енгди. Бугун шуни ошкора айтамизки, ҳамма майдонлардаги ўсимлик соғлом ўсиб, рекорд ҳосилдан дарак беряпти. Бундан кейин ҳам парваришни бутун чоралар билан кучайтириб, ҳосилга ҳосил қўшамиз. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи давраси— 1983 йилда 10 минг тонна маккажўхори дони тайёрлаймиз.

Илғорлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш ялпи юксалишга эришишнинг муҳим шартидир. М. Бобоқулов, К. Баратов, Б. Эргашев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг маккажўхорикорлари гектаридан 110—115 центнердан дон хирмони кўтариш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Совхоз маъмурияти ва партия комитети уларнинг тажрибасини кенг қўламда оммалаштирмоқдалар. Шу асосда бригадаларо социалистик мусобақа ташкил этилган. Бизнинг бу йилги мақсадимиз битта — хўжалигимиз бўйича барча бригадаларда ҳосилдорликни рекорд кўрсаткич даражасига етказишдан иборат.

Лекин унгача кўп иш қилишимиз керак. Ўсимлик авжи ҳосилини етиштиряпти. Бундай кезда унинг сувга бўлган талаби кескин ошади. Ўсимлик кеча-кундуз маромида суғорилса сўталар тез тўлишади, салмоғи ортади, эртароқ дони пишиб етилади. Демакким ўрим-йиғимни ҳам тезроқ ва тўла-тўкис тугаллаш, сўталар ва пояни нобуд қилмасдан барвақтроқ йиғиштириб олишга имконият яратилади. Биз шуни ҳисобга олиб, кейинги ҳафталарда сувчилар сонини анча кўпайтирдик. Суғориш кеча-кундуз бир маромда ва сифатли қилиб ўтказилаётир. Сувчиларимизнинг ҳаммалари белгиланган графикларни ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан аъло даражада бажармоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маккажўхори ўсимлигида ўқ илдиз бўлмайди. Поялар асосан сачоқ илдизларга таяниб туради. Сув, озуқани ҳам шу ноғиз илдизлар орқали ўзлаштиради. Демоқчиманки, маккажўхори ўсимлигини мутлақо қўллатиб суғориб бўлмайди. Қўллатиб суғорилганда ўқ илдиз бўлмаганлиги сабабли поялар ётиб қолади. Кейинчалик ўрим-йиғим пайтида комбайнларнинг юриши қийинлашади. Шунинг учун ўсимликни бир маромда суғориш, ҳар қатра сувдан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланиш зарур. Сув тақчиллиги сезилаётган бу йилги шароитда обиҳаётнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш, айниқса, муҳимдир.

Маккажўхори ўсимлигига минерал ўғитлар нормаси бериб бўлинди. Лекин органик ўғитлар билан озиқлантиришни қизғин давом эттириш керак. Органик ўғитларнинг самарадорлигини ошириш — уни «шарбат» усулида қатор ораларига оқизишдир. Хўжалигимизда суғориш фақат «шарбат» усулида ўтказиляпти ва яхши натижаларга эришилмоқда.

Пахтачиликда бўлгани каби маккажўхорикорликда ҳам бегона ўтлар ўсимликнинг ўсиб ривожланиши, ҳосил тўплашига жиддий зарар етказади. Бегона ўтлар йўқотилмаса ўрим-йиғим пайтида катта қийинчиликларга дуч келинади. Комбайнлар тўла қувват билан ишлай олмайди. Шу кунларда бутун имкониятларимизни сафарбар этиб, маккажўхори пайкалларини бегона ўтлардан батамом тозаламоғимиз зарур. Совхозимизда ташкил қилинган сифат комиссияси аъзолари бу борада маккажўхорикорларга талабчанликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирмоқдалар.

Мўл ҳосил тўплаш, уни қисқа фурсатларда ғоятда уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб ва донни янчиб олиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бунинг учун комбайнлар, трактор прицеплари, барча хил механизм-агрегатларни мавсумга пухта шайлаб қўймоғимиз керак. Биз айнан шундай қиляпмиз. Комбайнлар ремонти тугалланди. Трактор прицеплари тахт қилинди. Дон янчадиган, тозалайдиган агрегатлар ҳам шай ҳолга келтирилди. Транспортдан камчил жойимиз йўқ. Дала бошида хизмат кўрсатадиган кўчма устахоналар ташкил қилиб, уларни малакали механиклар, токарлар, слесарлар билан мустаҳкамладик. Хуллас, ўрим-йиғимни қисқа фурсатларда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Лекин айрим ташкилотларнинг раҳбарларига айтадиган гапларимиз ҳам йўқ эмас. Биз бу гапларни ўтган йилларнинг аччиқ сабоғидан хулоса чиқариб, ўртага ташлаяпмиз. Гап шундаки, маккажўхори ўрим-йиғими ва донни янчиш кезларида эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида баъзи комбайнлар тўхтаб қолади. Бу йил ана шундай салбий кўринишларга йўл қўймаслик учун маккажўхорикорлик хўжаликларга ажратилган барча турдаги эҳтиёт қисмлар ўз вақтида ва тўла етказиб берилмоғи керак. «Госкомсельхозтехника» область ва район бирлашмаларининг раҳбарлари бу борада бизга амалий ёрдам кўрсатадилар деган умиддамиз. Хўжалигимиз измидаги транспорт воситалари билан борлиқ донни давлат тайёрлов ташкилотларига вақтида етказиб бериш қийин. Буни агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари ҳам яхши тушунадилар. Тайёрлов ташкилотларига маккажўхори дони топширишда узилишга йўл қўймаслик учун дахлдор ташкилотларнинг раҳбарлари транспорт таъминоти масаласини ҳозирданоқ пухта ҳал қилиб берсалар айни муддао бўларди.

Маккажўхори — паҳлавон экин. Мавсум охиригача агротехника қоидалари асосида парваришлаб борилса, кутилганидан ҳам кўп ва сорти юқори дон олиш, чорва моллари учун энг тўйимли озуқа ҳисобланган пояни кўпайтириш мумкин ва лозим. Лекин озгина бепарволикка йўл қўйилса, маккажўхорининг кушандаси — қоракуя ва бошқа касалликлар кенг тарқалиб кетади, ҳосилга жиддий зарар етказади. Хулоса шуки, мавсум охиригача қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашни сира сусайтирмаслигимиз керак. Давлатга фақат аъло сифатли дон топширишга эришмоғимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорларидан илҳомланган совхозимиз маккажўхорикорлари бу йил 10 минг тонналик «каҳрабо дон» етиштиришдек улкан маррани сўзсиз эгаллайдилар.

Суван БАРАТОВ,
Қашқадарё область, Нишон районидаги Ибн Сино номли маккажўхоричилик совхози директори.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

НУКУС, 15 июль. (ТАСС). КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорлари асосида аҳолига маиший хизматни янада ривожлантириш ва яхшилаш масалалари Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида кўриб чиқилди. Автоном республика министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. А. Юряц доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан депутатлар Қорақалпоғистонда маиший хизматни ривожлантириш учун кўп ишлар қилинганлигини уқтириб ўтдилар. Хизмат соҳасининг моддий техника базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган икки ярим йили мобайнидагина 28 та маиший хизмат корхонаси ишга туширилди, хизмат тури кўпайди, унинг сифати яхшиланди. Комплекс қабул пунктлари тармоқлари кенгайтирилди. Шу билан бирга сессияда тармоқнинг мавжуд имкониятлари ва резервларидан тўла фойдаланилмаётганлиги таъкидланди. Маиший объектларни ишга туширишнинг муддатларини қисқартириш, мавжуд асбоб-ускуналардан янада унумлироқ фойдаланиш, хизмат турини кўпайтириб унинг сифатини ошириш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш зарурлигига эътибор жалб этилди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссияларининг ҳисоботи тингланди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг сессиялари орасидаги даврда қабул қилган фармонлари тасдиқланди.

БРИГАДА ПУДРАТИ–ИШИМИЗНИНГ ҚУДРАТИ

ДАСТЛАБКИ САМАРАЛАР

Косонсой шойи тўқиш фабрикаси Наманган областида илғор саноат корхоналаридан бири. Коллектив партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларини амалга оширa бориб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Эришилаётган муваффақиятларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг прогрессив усули — коллектив пудрати муҳим роль ўйнаяпти.

Абдулазиз ТОШМАТОВ — фабрика директори: — Биз ишлаб чиқаришни бошқаришнинг нарядсиз системасини чуқур ўрганиб чиққач, бу усул маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, белгиланган план-топшириқларни муваффақиятли бажариш, ишчи-хизматчиларимиз моддий манфаатдорлигини ошириш воситаси эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Сўнгра уни бутун коллективимизга тушунтириш чорасини кўрдик. Цех ва бригада бошлиқлари билан семинарлар, суҳбатлар ўтказдик. Улардан баъзиларини, шунингдек етакчи мутахассисларимизни янгича ишлаётган корхоналарга командировкага жўнатдик.

Бугунги кунда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пудрат усули фақат иқтисодий жараёнгина бўлиб қолмай, у аҳлоқий-социал жараён ҳамдир. Коллектив пудрат ходимларда коллективчилик туйғуларини, ўртоқларча бир-бирига ёрдам беришни, ишлаб чиқариш ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳисларини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Масалан, цехда дастгоҳлардан биттаси ёки иккитаси тўхтаб қолса, бу ҳол фақат унга бириктилган тикувчи учун моддий зиён келтирмасдан, бошқаларнинг ҳам моддий манфаатдорлигига салбий таъсир қилади. Шу цехда ишлаётган механик ва техникларнинг маошига путур етказади. Шунинг учун ҳам ҳамма бир маромда ишлашдан манфаатдор, бир-бирига ёрдам қўлини чўзишга интилади.

Очиғини айтганда, биз бу усулга кечроқ ўта бошладик. Ўтган йилнинг ўрталаридан бу методни жорий этишга киришдик. Ҳозиргача 5 та бригада нарядсиз ишлашга кўчди. Шу кунларда яна 6 та бригада коллектив пудратига ўтиш учун тайёргарлик кўрмоқда. 1983 йилнинг ўзидаёқ пудрат усулида ишлаб, фақат иш ҳақининг ўзидан 2000—2500 сўм маблағ тежаб қолишни кўзлаб турибмиз. Узоғи билан икки йил ичида барча цех ва бригадаларимизда нарядсиз ишлаш усули тўла жорий этилади.

Бу ўринда шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, янгича ишлаш муваффақиятларимизга барака киритмоқда. Бултур йиллик планни муддатидан 20 кун илгари адо этдик. Йил давомида топшириққа қўшимча 650 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Атласчиларимиз эришган меҳнат ғалабаси муносиб тақдирланди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига кўра фабрикамизга «СССР 60 йиллиги» номи берилди.

Янгича усул имкониятларидан фойдаланаётган фабрикамиз меҳнат аҳли 1983 йилнинг олти ойини ҳам яхши якунлади. Планга қўшимча 100 минг сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинди.

Абдуманноб ҚАЮМОВ — планлаштириш бўлими бошлиғи: Коллектив пудрати бераётган энг муҳим самара айниқса, меҳнат интизоми мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этяпти. Олдинлари ишчиларимиз орасида кечикиб келиш, прогул, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари оз бўлса-да, учраб турарди. Коллектив пудратига ўтилгач, бундай ҳоллар ишчининг моддий манфаатдорлигига зиён эканлигини ҳамма яхши билиб олди. Борди-ю, шундай ҳол юз бергудай бўлса, биринчидан, ставкага кўра бериладиган ойлик маоши камаяди, иккинчидан, меҳнат иштироки коэффициенти пасаяди. Бунда ҳам иш ҳақига путур етади, шунингдек ойлик мукофот пулидан ҳам маҳрум бўлинади. Бинобарин, меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, ишчилар активлигининг ошиши — меҳнат унумдорлигининг юксалишига ёрдам бермоқда.

Дадамирза МУЙДИНОВ — бригада бошлиғи: — Янгича ишлашга ўтганимизга олти ой бўлди. Бу усул афзаллигини ҳар қадамда кўриш мумкин. Бир ишчимиз яқинда ҳамкасбининг тўхтаб қолган станогини созлашда ёрдамлашаётганини кўриб хурсанд бўлдим.

— Қалай? — сўрадим ҳазиллашиб. У кулди ва жавоб қилди:

— «Кемага тушганнинг жони бир», — дейдилар. Менки юриб тургани билан шеригимники тўхтаб қолса, манзилга етиб бора олмас эканмиз...

Айтмоқчиманки, коллектив пудрати фақат моддий манфаатдорлик, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш манбаи бўлиб қолмасдан, ўзаро ўртоқлик, кўмаклашиш туйғуларини ҳам шакллантираётганидан хурсандман.

Муҳаррам ВОСИЕВА — аврбандчилик цехи ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати: — Нарядсиз ишлаш усулида «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган социалистик жамиятимиз принципига кенг йўл очиларкан. Сафимизда қолоқлар бўлмаслиги учун кураш фабрикамиз бўйича авж олиб кетди. Машъал ишчиларнинг илғор иш усуллари кенг оммалаштириладиган бўлиб қолди. Мураббийчилик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Мен ҳозир Фароғат Жаъфарова билан Назира Раҳмоновага устозлик қиляпман. Фабрикамиз илғорларидан — область Совети депутати Саломхон Абдуҳомидова, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ризвон Иномова, илғор ишчилар — Дадахон Мўйдинов, Мелихон Мамажонова, Одина Исроиловалар ҳам бу ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

* * *

Коллективнинг бу йилги режаси юксак. 13 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўтган йилгига қараганда 14 процент ўсишга эришилади. Давлат Сифат белгиси олган газлама турини яна 2 тага кўпайтириб, умумий сони 9 тага етказилади. Ана шу эзгу-ният йўлидаги ҳаракат тобора қизиб боряпти. 90 дан зиёд ишчи 1984—1985 йиллар ҳисобига ишламоқда. Хуллас, янгича ишлаш юксак марраларни забт этишимизни таъминлаяпти.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

Оммавий ҳаракат

Меҳнат коллективларида коммунистик меҳнат ҳаракатининг 25 йиллиги шарафига зарбдор вахта қизғин давом этмоқда. Шонли санани муносиб кутиб олиш учун курашаётган ишчилар ва колхозчилар ўртасида коммунистик меҳнат зарбдори номи учун кураш авж олаётир. Ҳозир республикамизда 413 корхона, 14 мингдан зиёд цехлар ва бўлимлар, 47 мингдан зиёд бригада коммунистик меҳнат коллективи номига эга. 1 миллиондан ортиқ меҳнатчи — коммунистик меҳнат зарбдорлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун мусобақада олдинда бормоқдалар.

Республиканинг кўпгина меҳнат коллективлари Москва ва бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашлари ташаббусига қўшилиб, «Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари ҳаракатининг 25 йиллиги шарафига — 25 зарбдор ҳафта!» шиори остида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган шойи газламалар комбинати меҳнаткашлари бу мусобақага биринчилар қатори қўшилдилар.

Халқ киностудияси

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида Фарғона нефтчилари Маданият саройи ҳузуридаги «Синтез» ва Фарғона тўқимачиларининг Маданият саройининг «ФЕД» ҳаваскорлик киностудиялари катта иш олиб бормоқдалар. Унинг машғулотларида ўнлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар, ўқувчилар операторлик, режиссёрлик, сценария ёзиш маҳоратини эгалладилар. Бу студияларда ҳар йили уч-беш қисқа метражли фильмлар яратилиб, уларда меҳнат коллективларининг ҳаёти, ишлаб чиқариш илғорларининг фидокорона меҳнати ҳаяжонли акс эттирилмоқда.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг президиуми самарали иш олиб борганлиги, юксак ғоявий-бадиий ҳужжатли киноленталар яратишдаги муваффақиятлари, кино воситаси билан меҳнат коллективларининг илғор тажрибасини пропаганда қилишга катта ҳисса қўшаётганлиги учун «Синтез» ва «ФЕД» ҳаваскорлик киностудияларига «Халқ ҳаваскорлик киностудияси» унвонини берди.

Биринчи босқич ғолиблари

Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети бундан бир ярим йил муқаддам оғир қўл меҳнатини механизациялаштириш бўйича жамоатчилик кўриги ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ибратли ташаббус саноат, транспорт, алоқа корхоналари ҳамда кўплаб қурилиш ташкилотларида маъқуллаб кутиб олинди. Юзлаб коллективларда меҳнат шароитини яхшилаш ҳамда унумдорлигини оширишга оид ишлар қўлами тобора кенгайтирилмоқда. Республикамиз саноатининг аксарият тармоқлари ва кўпгина областларда ишлаб чиқаришни механизациялаш билан боғлиқ қатор тадбирлар амалга оширилди, пешқадам коллективларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш диққат марказида бўлмоқда.

Кўрикнинг дастлабки босқичи муваффақиятли якунланди. Сўнгги бир йил мобайнида ишлаб чиқаришни машиналаштиришга оид 7 мингга яқин тадбир амалга оширилгани, 25 мингдан ортиқ ишчининг меҳнати енгиллаштирилгани, 4 мингдан ортиқ меҳнатчининг иш шароити тубдан яхшилангани унинг қувонарли натижаларидандир. Жамоатчилик кўригида Тошкент ва Бухоро областларидаги маҳаллий, химия, газ саноати корхоналари муваффақиятли қатнашганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети президиуми кўрикда юксак натижаларга эришганликлари учун Уйчи шойи тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Нукус гўшт комбинати, Тошкент шаҳридаги биринчи уйсозлик комбинати, Андижондаги «Электроаппарат» заводи кабн жами 50 дан ортиқ корхона ва қурилиш ташкилотларини дипломлар ва пул мукофотлари билан таҳдирлади.

НОН ИСРОФ БЎЛМАСИН

ЭНГ МУҲИМИ — ТЕЖАШ

Ширин шаҳридаги бир йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, «СырдарьяГРЭСстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи С. Функ шундай масалани ўртага ташлади: Ширин обод ва кўркам, энг муҳими тежамкор шаҳар. Бироқ шундай бўлса-да, шаҳримиз аҳолиси ўртасида нон қолдиқларини ахлатхоналарга ташлаб кетиш ҳоллари учраётир. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Чунки тўқликка шўхлик қилиб, нонга ҳурматсизлик қилиш ҳар тарафлама зарардир. Биринчидан, ризқи-рўзимиз — нон исроф бўлса, иккинчидан, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида нондек мўътабар неъматга нисбатан муқаддас туйғуни барбод этади.

Бу фикр кўпчиликка маъқул тушди. Аммо юқоридаги сингари хунук воқеаларнинг олдини олиш учун ишни нимадан бошлаш керак? Ана шу саволга жавобан оқсоқол депутат кўпдан бери ўйлаб юрган таклифини ўртага ташлади.

— Шаҳарликларни кундалик истеъмолдан ортиб қолаётган нонни озиқ-овқат магазинларига қайтариб топширишга даъват этишимиз керак. Бунинг учун эскириб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган нонларнинг ҳар килограмми учун 15 тийиндан ҳақ белгилаймиз. Ёки харидорнинг хоҳишига қараб, магазинда қотиб қолган нонларнинг ўрнига янгисини алмаштириб бериш мумкин бўлар. Сўнгра биз шаҳар бўйича тўпланган нон қолдиқларининг ҳар килограммини 18 тийиндан сотиб олишимиз мумкин.

Ширин шаҳар Советининг ижроия комитети бу таклифни кўриб чиқиб, уни маъқуллади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Сўнгра шаҳар аҳолисига қарата шундай мазмундаги мурожаат тайёрланди: «Ҳурматли Ширин шаҳрининг меҳнаткашлари! Сизлардан Озиқ-овқат программасини ҳал этишда актив иштирок этишингизни сўраймиз. Шаҳар Советининг ижроия комитети сизлардан фойдаланилмай қолаётган нонларни ҳамда ун маҳсулотларидан тайёрланган озиқ-овқат қолдиқларини шаҳримиз магазинларига топширингизни илтимос қилади. 2,5 килограмм ана шундай нон қолдиқларидан 1 килограмм гўшт етиштириш мумкинлигини сизларга эслатиб ўтмоқчимиз».

Шу нарса қувончлики, шаҳар меҳнаткашлари мурожаатга сезгирлик билан жавоб қайтардилар. Ташаббус ўртага ташланган дастлабки ойдаёқ шаҳардаги озиқ-овқат магазинлари аҳолидан 1225 килограммдан зиёд нон қолдиқларини сотиб олди. Мана, деярли ярим йилдирки, шаҳарда ҳамон бу практика муваффақият билан қўлланиб келинмоқда. Айни пайтда ширинликлар тажрибаси Сирдарё областининг бошқа шаҳар ва посёлкаларида ҳам аста-секин оммалаштирилаётир.

Масалага бир томондан қараганда, юқорида баён этилган тажриба ўзининг моҳияти жиҳатдан эътиборга лойиқ. Чунки олдиндан исроф бўлиб келган маҳсулотларнинг қолдиқлари эндиликда йиғиштириб олинмоқда.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гап нонни тежаш ҳақида борянти. Нима учун магазинга келган киши фақат ўзига керак бўлган миқдордагина нон харид қилмайди? Нима учун оила эҳтиёжидан ортиб қоладиган нон сотиб олинади? Шаҳар аҳолисини, айниқса, ёшларни нонни тежаш, эъзозлаш, зарур миқдордагина харид қилишга ўргатиб борган яхши эмасмикан?

Шаҳар ижроия комитети, унинг кўпсонли депутатлари, жамоатчилари масалага ана шу томондан ёндашсалар, айни муддао бўлар эди.

Хўш, Ширин шаҳри магазинларида нонни харид қилиш қандай йўлга қўйилган? Нонни тежаш, унинг ортиқча исроф бўлишига йўл қўймаслик резервлари борми? Биз ана шу масала билан қизиқиб, «СырдарьяГРЭСстрой» қурилиш бошқармаси ишчилар таъминоти бўлими (Ширин шаҳридаги деярли барча савдо точкалари шу ташкилотга қарашлидир) бошлиғининг ўринбосари Э. Али билан бир неча магазинларда бўлдик, сотувчилар ва харидорлар билан суҳбатлашдик.

20-гастроном — шаҳардаги йирик озиқ-овқат магазинларидан бири. Бу ерда ҳар куни 800 килограмм атрофида нон маҳсулотлари сотилади. Биз бу ерга келган пайтимизда шундай манзарага дуч келдик: бир тарафдан магазинга ёпилган нон туширилмоқда. Пештахтанинг пастки қисмида эса эскириб, сотилмай қолган нонлар тахланиб ётибди. Хўш, нега шундай?

— Завод вакиллари ортиб қолаётган нонларни ҳар куни қайтариб олиб кетишлари керак, — дейди магазин сотувчиси Мадина Юсупова, — лекин улар мана шу тартибга риоя қилмайдилар. Бир ойлиги тўплансин, кейин олиб кетамиз, дейишади. Оқибатда нон тўпланиб қолиб, одамлар кўзига ёмон кўринаётирмиз.

Магазинда фақат кечаги нонларнинг ўзидангина 700 — 800 граммлигидан 100 дона, миллий оби нондан 60 дона сотилмай қолиб кетган эди. Маълум бўлишича, магазинда ўтган ҳафтада юқоридагилардан ташқари яна 250 дона булочка, 250 дона оби нон сотилмай қолган.

Ачинарлиси шундаки, бундай ҳолни шаҳардаги исталган магазинда учратиш мумкин. Мана, мисол учун М. Ёсаян мудирлик қилаётган 21-магазинни олиб кўрайлик. Текшириш ўтказилган куни у қадар катта бўлмаган мана шу савдо точкасида 120 дона эскириб қолган булка нонга дуч келдик. Савдо ходимларининг шикоят қилишларича, бу ерда деярли ҳар икки кунда ана шунча миқдорда нон тўпланиб қолади. Бунинг сабабини сўрасангиз, масала келиб нонларнинг сифатига тақалади.

Хўш, нима учун шаҳарда нонни тежаш борасида бир-бирига зид бўлган воқеалар содир бўлмоқда? Нима учун бир тарафдан нонни исроф қилмаслик учун курашилсаю, бир тарафдан магазинларда кунига ўнталаб, юзталаб нонлар сотилмай ётса? Магазинларда аҳоли эҳтиёжидан ортиқ миқдорда нонларнинг тўпланиб қолишинги сабаби нимада? Айб заводдами ёки савдо ташкилотидами? Бизнингча бу ўринда ҳар икки тараф айбдордир.

Аввало шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, ишчилар таъминоти бўлимининг раҳбарлари шаҳар аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган талабларини ҳалигача тўла-тўкис ўрганиб чиқмаганлар. Натижада ҳар куни нон заводи вакилларига тахминий буюртмалар берилади. Бу эса ўз навбатида юқоридаги каби исрофгарчиликларга олиб келаётир. Нонни тежаш устида шу қадар жонбозлик, активлик билан иш олиб бораётган бир пайтда бу сингари бепарволик, тўғрироғи, масъулиятсизлик кишини ажаблантиради.

Ўз навбатида энергетиклар шаҳри бўлган Ширин аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаётган Гулистон нон заводи коллективига ҳам баъзи эътирозларимиз бор. Корхонада пиширилаётган нон маҳсулотларининг сифатида муқимлик, барқарорлик етишмайди. Бир қарасанг, заводда чиқарилаётган нонларнинг сифати кишининг ҳавасини келтиради, бир қарасанг — бунинг акси бўлади: бу ерда чиқарилаётган нонларни кўриб, беихтиёр «эсиз ун, эсиз меҳнат», дегинг келади.

Халқимизда: «Қарс икки қўлдан чиқади» деган ажойиб ибора бор. Нонни тежаш, уни эъзозлаш ишлари аввало корхоналарда, савдосотиқ марказларидан бошланмоғи лозим. Токи уни ҳар куни ўз дастурхонларига қўяётган меҳнаткашларимиз уларга «раҳмат!» десинлар, ризқи-рўзимиз бўлган нонларнинг сифатидан ранжимасинлар. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар етарли. Гап — онглилик, тадбиркорлик, халқимиз, давлатимизнинг бебаҳо мулкига нисбатан доимо тежамли бўлишимизда қолмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинати коллективи беш йилликнинг учинчи йили ярим йиллик топшириқларини ошириб адо этди. Комбинат меҳнат аҳли пландан ташқари 4 минг тонна аъло сифатли прокат, 3600 тонна пўлат тежаб қолди. Эришилган бу ютуқларда корхонанинг илғор ишчилари, новаторлари ва коммунистик меҳнат зарбдорларининг ҳиссаси катта. Суратда: комбинатнинг тажрибали мастери Александр Бенденко (ўнгдан) ўз шогирди Игор Зотов билан.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ).

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН...

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Атроф-муҳит муҳофазасининг долзарб муаммолари

Она табиат билан инсон ўртасидаги муносабат, айниқса биосфера ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни бойитиш ва асраш каби масалалар кундан-кунга муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, атроф-муҳит муҳофазаси ўзининг шу кундаги иқтисодий ва социал аҳамиятига кўра замонамизнинг энг муҳим масалалари бўлмиш жаҳонда тинчликни сақлаш, космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш, хавфли касалликларни тугатиш каби муаммолар билан бир қаторда турибди.

Шуни фахр билан таъкидлаш мумкинки, бизнинг мамлакатимизда табиат муҳофазаси юзасидан улкан ишлар амалга оширилаётир. Бу борадаги конкрет вазифалар КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида янада аниқ ва батафсил кўрсатилди.

Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни бойитиш ва асраш алоҳида ўрин эгаллайди. Республикамизда ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш бобида анча ишлар бажарилди. Табиат ва унинг айрим компонентларидан унумли фойдаланиш ҳақида махсус қонунлар қабул қилинди. 1965 йилдан буён табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти ва бошқа кўнгилли жамиятлар фаолият кўрсатмоқда.

Республикада шу кунларда ўн учта давлат қўриқхонаси, ўнга яқин заказник, махсус питомник ва халқ парки мавжуд. Бир қатор олий ўқув юртларида табиат муҳофазаси халқ университетлари ишлаб турибди.

Бироқ табиат бойликларидан ўринли фойдаланиш, уларни асраш ва кўпайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳали ҳам давр талабига тўла жавоб беради деб бўлмайди. Бу борада ечимини кутаётган муаммолар, қилинадиган ишлар оз эмас. Айниқса, табиат муҳофазасига комплекс ёндашиш соҳасида жиддий нуқсон ва камчиликлар бор. Чунончи, атроф-муҳит ҳолатини назорат қилувчи мавжуд инспекциялар ҳар хил министрликлар, идораларга қарашли бўлиб, табиатнинг айрим соҳалари, компонент ва элементлари устидан кузатиш олиб борадилар, холос. Айтайлик, республика сув манбаларини муҳофаза қилишни Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги амалга оширса, ер ресурсларидан фойдаланиш ва сақлаш ишлари Қишлоқ хўжалик министрлиги, ҳайвонот, ўсимлик дунёсини қўриқлаш эса Ўрмон хўжалиги министрлиги ихтиёрига берилган. Бунинг устига уларнинг иш фаолиятида маълум маҳкама мақсад-вазифаларидан келиб чиқадиган субъектив манфаат устунлик қилади-да, атроф-муҳитни ҳар томонлама оптималлаш масалаларига кам эътибор берилади. Айниқса, табиатнинг бир бутунлиги, унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси, географик комплексларнинг оригинал ва индивидуаллиги каби муҳим хусусиятлари эътибордан четда қолади. Юқоридаги омилларни тўлиқ ҳисобга олмаган ҳолда тузилган ҳар қандай план ва амалга оширилган тадбир-чоралар тўлиқ бўлмайди. Бу ҳол табиат муҳофазасини ташкил қилиш ва бошқариш системасини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Табиатнинг айрим таркибий қисмларини муҳофаза этиш борасида ҳам қилинадиган ишлар кўп. Айниқса, қишлоқ хўжалиги асоси бўлмиш ер ресурсларини асраш алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғида шўрланиш жараёни содир бўлаётир. Қишлоқ хўжалик тасарруфидаги майдонларнинг 97 проценти эрозия, сел, суриллма, қум ва қор кўчмалари каби кўнгилсиз ҳодисалар хуружидан ҳоли эмас. Шуни қайд қилиш керакки, эрозияга дучор бўлган пахта майдонларида ҳосил 50 процентгача камайиб кетиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уни кўнгилсиз табиий жараён, ҳодиса ва воқеалардан муҳофаза қилишни тақозо этади.

Кейинги йилларда биздаги камёб ва доривор ўсимликлар ҳамда нодир ҳайвонлар турлари сезиларли даражада камайиб кетди. Яқиндагина чилонжийда ва жайдари жийда, наъматак, бодом, писта, дўлана, анзур пиёзи, тоғ райҳони, зира, кийик ўт, ровоч, қизилча каби шифобахш ўсимликлар республикамизда кенг тарқалган эди. Хонгул, қуралай, арҳар, сўғир, қулон, қирғовул, қорабовур, тувалоқ каби бир қатор камёб қуш ва ҳайвонлар республика табиатининг кўрки ҳисобланарди. Ҳозирги вақтда уларнинг сони кескин камайиб, ноёб бўлмоқда. Ўлкамизнинг ноёб ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, уларни оптимал зичлигини таъминлаш, маданийлаштириш, насл боши ҳайвонларни урчитиш борасида олиб бориладиган тадбирларни кўпайтириш зарур.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш қувватлари йил сайин ортиб бормоқда. Ўз вақтида эҳтиёткорлик чоралари кўрилмаса, саноат комплексларининг ва корхоналарининг чиқиндилари атмосфера ҳолатига жиддий зарар етказиши мумкин. Айниқса, ҳар хил чанг, газ, заҳарли бирикма ва чиқиндилар атроф-муҳит учун анча хавфлидир. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида зарарли чанг ва газларни тутиб қолиш чорасини кўриш, ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз жараёнини ва қайта ишлаш системасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизнинг регионал хусусиятларидан яна бири унда юқори ҳосилли деҳқончилик ташкил этилганидадир. Бундай натижага асосан минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда химикатлардан фойдаланиш йўли билан эришилмоқда. Шу аснода ҳар хил зарарли моддалар ҳам бошқа жойга нисбатан суғориладиган ерларда кенг қўлланилаётир. Улар шамол, ёғин-сочин ва бошқа табиий жараёнлар таъсирида атмосферага тарқалмоқда, тупроқ, оқар ва сизот сувларга, кўл ва сойларга тушмоқда, ўсимлик ва жониворларга зарар етказмоқда. Демак, заҳарли химикатларни қишлоқ хўжалигида камроқ ишлатиш, уларнинг айримларини чеклаш ва безарар моддалар билан алмаштириш, биологик усулни кенг қўлланиш каби тадбирлар атроф-муҳитни соғломлаштириш борасидаги муҳим омилдир.

Саноат ва гидротехник иншоотлар ва мелиоратив комплексларни жойлаштирганда, аҳоли пунктлари, дам олиш муассасалари, туристик объектлар, чорвачилик комплексларини бунёд этганда атроф-муҳит муҳофазаси алоҳида ҳисобга олиниши шарт. Бу борада ҳали жиддий нуқсонлар бор. Чунончи, Бойсун, Кўкбулоқ, Қоратепа, Нурота, Моргузар, Чотқол, Қурама тоғлари, Фориш, Зомин, Бахмал массивларида бунёд этилган чорвачилик объектлари табиат муҳофазаси талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давлат қўриқхоналари, заказниклар, ов хўжаликлари, питомник ва халқ парклари ташкил қилиш бизда шу кунинг талабидан сезиларли даражада орқада қолмоқда. Мавжуд қўриқхоналар фақат тоғ, тўқай ва қумли чўл зоналарида жойлашган. Республикамизнинг кўпгина нодир ва нафосатли ландшафт комплексларида эса қўриқхоналар йўқ. Беш миллион гектарга яқин суғориладиган майдонлар, лалмикор ерлар ва кичик воҳаларда шу кунгача қўриқхоналар ташкил қилинмаган. Бунинг устига суғориладиган майдонларнинг бирламчи табиатида чуқур ва мураккаб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бундай табиий ва социал-иқтисодий жараёнларни кузатиш ва ўрганиш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Буларнинг ҳаммаси воҳаларимизда митти қўриқхоналар системасини илмий равишда ташкил этишни тақозо қилади. Митти қўриқхоналар иттифоқимизнинг Европа қисмида, Сибирь ва Узоқ Шарқда олтмишинчи йиллардан бошлаб барпо этилмоқда. Бизнинг шароитимизда улар янада яхши натижалар беради.

Мавжуд қўриқхона ва муҳофаза объектлари ҳануз ўзининг интеграл илмий тафсифига эга эмас. Уларнинг географик ўрни, регионал ва маҳаллий хусусиятлари ҳамда табиатнинг комплекс илмий баёнини бериш муҳофаза бобида айни муддао бўлади.

Атроф-муҳит муҳофазасида табиатнинг нодир обидаларини қўриқлаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда нафис масканлар, тебранувчи харсанглар, увуллончи мусиқали тошлар, кишини ҳайратга солувчи ғор, чоқ, зов, оббурдалар, табиий кўприклар, ажойиб ва ғаройиб шаклга эга бўлган қоялар кўп. Шулар жумласига Моргузар тоғларидаги «Қирқ қиз», «Уч қиз», «Куёв бола», Нурота тоғларидаги «Жунли ота», «Нарвон ота», «Дўмбира тош», тебранувчи «Санги жумон», Бойсундаги «Пулиҳокин кўприги», Зарафшон тоғларидаги Гаров тош ва Қирқтов ғорлари киради. Табиатнинг бундай эътиборга молик обидалари тўлиқ ҳисобга олиниши, қўриқланиши, комплекс ҳарталаниши, назарий ва амалий нуқтаи назардан баҳоланиши, улардан фойдаланиш йўллари ҳар томонлама илмий асосланиши зарур.

Атроф-муҳит муҳофазаси ҳар бир соҳада ва территориал миқёсда илмий ҳамда планли равишда ташкил қилинса, яхши натижа беради. Бинобарин, республикамиздаги ҳар бир хўжалик, бирлашма ва маъмурий район бу борада ўзининг конкрет йиллик, муайян давр ва узоқ йилларга мўлжалланган планига эга бўлмоғи лозим.

Мактаблар, олий ўқув юртлари, техникум ва билим юртларида табиат борасидаги ўқиш ва ўқитиш савиясини янада кўтариш зарур. Айниқса, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бизда атроф-муҳит ҳолатини ўз вақтида тўлиқ ва мунтазам ёритувчи махсус журнал ёки бюллетенлар ҳам йўқ. Атроф-муҳит муҳофазасини кенг ёритувчи Ўзбекистон география жамиятининг ахбороти кейинги ўн йиллар давомида чиқмай қўйди. Табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти аҳён-аҳёнда чиқараётган нашрлар эса табиат шайдоларини қониқтирмаётир.

Бу ишларнинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, она табиатнинг ресурсларидан комплекс фойдаланиш, уларни бойитиш, атроф-муҳитнинг софлигини таъминлаш, гўзаллигини асраш борасида қўйилган баёнга дадил қадам бўлади.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи илмий кенгашининг катта илмий ходими, география фанлари кандидати.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Тошкентлик И. Нуриддинов «Самарқанд-Тошкент» маршрути бўйича қатновчи 663-поездда тартиб ўрнатилмагани, йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани ҳақида редакциямизга хат йўллаган эди.

Газетхон мактубида баён этилган фактлар юзасидан текшириш ўтказган **УРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИ**дан олинган жавобда, жумладан, қуйидагилар маълум қилинади. Мазкур поезднинг кечикиш масаласи кўриб чиқилди. Поезднинг кечикишига йўл қўйгани учун Ховос темир йўл бўлими бошлиғи Донаевга ҳайфсан берилди.

Инструкциянинг бузилишига йўл қўйгани учун вагон проводниги Тошматов ишдан бўшатилди. Поезд бригадирлари иши устидан бўш назорат ўрнатилгани поезд бошлиғи Эшонхўжаевга кўрсатиб ўтилди.

Мазкур хат вокзал ва поездларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ходимлар ўртасида ишлаб чиқилди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси С. Носиров ўз хатида Газли шаҳридаги 6-магазин савдо ходимлари харидорларга нисбатан қўпол муомалада бўлишаётгани ҳақида ташвишланиб ёзган эди.

Ушбу шикоят хат **ГАЗЛИ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ** томонидан текширилди ва тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Совет савдоси қоидаларини бузгани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига нисбатан қўпол муомалада бўлгани учун шаҳардаги 6-гўшт-сут магазини мудири Ч. Шариповга ҳайфсан эълон қилинди. ОРС бошлиғи Б. Нафасов қаттиқ огоҳлантирилди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хива районидаги Энгельс номли колхознинг Шермат Отажонов бошлиқ бригадаси аъзолари 82 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олишган. Бригада азаматлари бу улкан маррани эгаллаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача ғўза қатор ораларига тўрт марта ишлов берилди. Меҳр билан парвариш қилинаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ўсяпти. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада 4—5 тадан кўсак бунёд этилди. Суратда: бригада бошлиғи Шермат Отажонов ғўза ривожини кўздан кечиряпти.

А. Тўраев фотоси.

Мухбиримиз бонг уради

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Пешку райони деҳқонлари бу йил 55 минг тонна пахта ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олганлар. Районда пахтачилик етакчи тармоқ. Бу ерда пахтачилик илмининг миришкорлари, тажрибакорлар кўп. Чунончи, Раҳим Раҳмонов раҳбарлик қилаётган «Москва» колхози район хўжаликлари ўртасида ҳамиша байроқдор. Бу ерда ғўза ниҳолларини юксак мажбуриятларда кўзда тутилгандек серҳосил, машина теримибоп қилиб парваришлаш, юқори ҳосил етиштириб, унинг катта қисмини машиналарда йиғиб-териб олиш, сифатини яхшилаш борасида ибрат олса арзигулик катта тажриба тўпланган. Колхозда пахта ҳосилдорлиги гектарига 53-54 центнерни ташкил этади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти аввало колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ердан-сувдан, ўғитдан ва техникадан самарали фойдаланиш вазифасини бош масала этиб қўйган. Шу туфайли мавжуд 1030 гектар ердаги ғўза ниҳоллари юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилиняпти.

Ҳозирга қадар ғўза қатор ораларига олти марта комплекс ишлов берилди, икки марта обиҳаётга қондирилди, икки ярим марта маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилди. Ҳар гектар ерда ўртача 130 минг туп ниҳол қолдирилиб ўстириляпти. Дурқун, соғлом ғўза туплари ва ҳосил нишоналари. Далаларда 35 та ишлов трактори жавлон уряпти. 165 нафар сувчи зарбдор меҳнат билан ғўзаларни обиҳаётга қондиряпти.

Лекин районнинг ҳамма ерида ҳам аҳвол бир хил деб бўлмайди. Хўжаликларда ва бригадаларда икки хил манзарани кузатиш мумкин. Қарийб минг гектар майдонда ривожланишдан орқада қолган, бегона ўтларга бостирилган оби-тобида суғорилиб, парвариш қилинмаган ғўзалар мавжуд. Талай карталарнинг ғўзаси эса ола, нормадаги ниҳол йўқ.

«Ўзбекистон», Жданов номли, Фрунзе номли, Куйбишев номли юқори ҳосилли колхозларнинг аксарият бригадаларида ғўза ниҳоллари гектарига 75—80 минг туплдан ошмайди. Ер, сув шароити бир хил бўлган техника, минерал ўғит таъминотидан фарқ қилмайдиган «Октябрь», Охунбобоев номли, Навоий номли ва Ибн Сино номли колхозларда ривожи сусайиб қолган ғўзалар айниқса кўп. Бу колхозларда сув ресурсидан унумли фойдаланилмаяпти. Ғўзаларни кеча-кундуз группа усулида суғориш ташкил қилинмаган. Механизаторлар, сувчилар ўртасида социалистик мусобақа талабга жавоб бермайди.

Бир ерда ғўзалар сувга бостириб суғорилаётган бўлса, иккинчи ерда эса ҳали бир марта ҳам обиҳаётга қондирилмаган. Жданов номли колхознинг Р. Жумаев бошлиқ бригадасида меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Табелдаги 35 киши ўрнига далада ҳар куни 10—12 киши ишлаяпти, холос. Ҳатто 15 гектар ердаги ғўзага шу кунга қадар ишлов берилмаган.

Жданов номли колхознинг Шароф Зайниев, Куйбишев номли колхознинг Раҳим Жумаев, Султон Ражабов, Фрунзе номли колхознинг Абди Худоев ва Шариф Азизов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида культивация ва суғориш ишлари сифати жуда паст. Қарийб 200 гектар ердаги ғўзаларни ёввойи ўт босиб ётибди. Хашаротларга қарши биологик кураш чоралари кўрилмаяпти. Маҳаллий ўғитларни йўл четларига ғарамлаб қўйишибди-ю, аммо уларни ғўза қатор ораларига солишда ҳеч ким жон куйдирмаяпти. Натижада ҳосил хамиртуруши қовжираб, яроқсиз ҳолга келиб қоляпти. Шу туфайли кўплаб пайкаллардаги кўчатлар нимжон ривожланмоқда.

Ибн Сино номли колхознинг 9-бригадасида ғўза чопиғи кечиктириб ўтказиляпти. Натижада қатор ораларида катта-катта кесак кўчиб, ниҳолларга шикаст етказяпти. Навоий номли колхознинг Н. Жўраев, Фрунзе номли колхознинг Х. Оқиев, Э. Жумаев, Қ. Худдиев, «Октябрь» колхозининг К. Ашуров бошлиқ бригадаларидаги аҳвол бундан ҳам баттар. Бу бригадаларда культивация ва суғориш агротехникаси қоидаларига риоя қилинмаяпти. Меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Ғўза қатор ораларига ишлов беришни контрол қилиш суст. Охунбобоев номли колхознинг аксарият бригадаларида ҳам ғўзанинг биринчи суғориш ҳали батамом тугалланмаган. Чанқаб ётган ғўзалар ҳосил нишоналарини тўкиб юбормоқда. Навоий номли, «Октябрь» колхозларида ғўзани парваришлашдаги агротехник тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб борилмаяпти.

Районнинг бирорта хўжалигида суғоришнинг «шарбат» усули жорий этилмаганини қандай баҳолаш мумкин?! Айниқса, Ҳамро Собиров, Моҳитоб Тешаева, Зоир Хожиев ўртоқлар раислик қилаётган Фрунзе номли, Ибн Сино номли, Навоий номли колхозларда аҳвол ачинарли.

Яқинда район далаларида бўлган мусобақадош Бухоро районининг меҳнаткашларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ҳам камчиликларни рўй-рост айтиб, огоҳлантиришган эди. Шундан кейин ҳам Пешку районининг хўжаликларида ижобий силжиш бўлмади.

Маълумки, қабул қилинган юксак мажбуриятларга яраша ҳосил етиштириш тақдири июль ойида ҳал бўлади. Бу ойнинг ҳар бир дақиқасидан оқилона фойдаланиб, ғўзалар парваришини юксак агротехника қоидалари асосида олиб бориш талаб этилади. Партия ташкилотлари ва бошқа мутасадди органлар бу масалалар билан жиддий шуғулланмоқлари, кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтирмоқлари даркор. Ғўза парваришини кучайтиришда фаол иштирок этиш — ҳамманинг шарафли бурчи. Бу муҳим ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш бўйича чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Чиноз райони паррандабоқарлари катта муваффақиятга эришдилар. Давлатга пландаги 1 миллион 200 минг ўрнига 1 миллион 482 минг дона тухум топширилиб, йиллик план муддатидан илгари адо этилди.

Товуқларни зоотехника қоидалари асосида намунали парваришлаб, кўплаб тухум олишни таъминлаган Жамбул номли, «Партия XXIV съезди», «Янгиобод» совхозлари ва Охунбобоев номли, «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозларининг паррандабоқарлари муваффақиятга муносиб ҳисса қўшдилар.

Районда тухум топшириш қизғин давом этмоқда. Паррандабоқарлар ўз имкониятларини чамалаб, давлатга топшириладиган жами тухумни 2 миллион донага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Район ғаллакорлари ҳам зафар қучдилар.

Т. ТЎҚЛИБОЕВ,
Тошкент области.

САНОАТ УЧУН КАДРЛАР

Наманганда янги очилган индустриал техникумга кириш учун аризалар қабул қилина бошланди. Техникум Андижон машинасозлик техникумининг шаҳар филиали базасида ташкил этилди.

Ана шу ўқув юртининг кундузги ва кечки бўлимларида энергетика мутахассислари, саноат корхоналари учун технологлар, нормаловчилар, конструкторлар тайёрланади.

(ЎзТАГ).

МОШ ҲАҚИДА

Мош Ўзбекистонда қадимдан экилиб келинаётган асосий экинлардан биридир. Бу экин асосан суғорладиган ерларга экилади. Унинг вегетация даври қисқа, яъни 80—90 кундан иборат. Кейинги йилларда кўплаб хўжаликларда план асосида мош экилмаяпти. Оқибатда халқимиз суйиб истеъмол қиладиган сервитамин экинга бўлган талаб тўлиқ қондирилмаётир. Шунинг учун республикамиз колхоз ва совхозларида мош экишни кўпайтириш чора-тадбирларини кўриш вақти етди. Бу экинни экишни кўпайтириш билан бир қанча муҳим проблемалар — ўсимлик оқсили, дуккакли экинларни кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласини ҳал қилиш мумкин.

Мош донида 25 процент оқсил бор. Чорва моллар мошнинг поясини хуш кўрибейди. Унинг поясида 8—14 процент оқсил бор. Бу бошқа экинлар поясидагига нисбатан 2—2,5 баравар кўпдир.

Мош такрорий экин ҳисобланади. У асосан арпа, буғдой, эртаки карам ва картошка йиғиб олингандан кейин экилади. Ёзнинг иккинчи ярмида ҳарорат юқори бўлиши ўсимликка ижобий таъсир этади ва баҳорда экилганига қараганда ҳосили мўлроқ бўлади. Бу экинни имконият бўлган жойларда кечроқ экиб, кўк масса ҳолида, ёки қуритиб хашак сифатида молларга бериш яхши натижа беради.

Ерни экишга тайёрлаш жуда муҳим. Эртаки экин ҳосилини йиғиб олишдан беш-етти кун илгари дала суғорилади. Биринчи экин ҳосили тезкорлик билан йиғиштириб олингач, дала пешма-пеш ўғитланади ва 20—25 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Сўнгра бороналанади. Мош экишни шу кунларда тугатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кеч экилган мош пишмасдан кузги қора совуқдан нобуд бўлади. Унинг уруғи асосан дон, чигит, маккажўхори экадиган сеялкаларда экилади. Уруғ экилгандан кейин 4—5 кун ўтмаёқ унib чиқади.

Мош вегетация даврида 4—5 марта суғорилади. Усимликни суғоришда сувни жилдиратиб оқизишга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар суғоришдан кейин ер етилиши билан культивация қилиш даркор.

Мош дуккакларининг 70 процента пишганда, эрталаб шудринг кўтарилмасдан йиғиб олиш керак. Агар ҳаво исиб кетса ўрим вақтида дуккаклар чатнайди ва ҳосилнинг бир қисми тўкилиб нобуд бўлади. Ўрилган мошни дарҳол хирмонга келтириб ёйиб қуритиш керак.

Бу экиннинг поясини ва тўпонини йиғиштириб олиб асралса, қишли-қировли кунларда асқотади. Дони эса қимматбаҳо маҳсулот сифатида истеъмол қилинади.

И. ТОШБЕКОВ,
И. В. Мичурин номли Самарқанд мева-сабзавотчилик техникуми ўқитувчиси, биология фанлари кандидати.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ НОМИГА

ПРАГА. Чехословакиянинг Хомутов шаҳридаги қувур прокат заводининг коллективи Совет Иттифоқи номига катта диаметрли чоксиз қувурларнинг навбатдаги туркумини жўнатди. Корхона ходимлари СССРга маҳсулот етказиб бериш планини барвақт — 20 декабргача бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Ҳаммаси бўлиб завод совет мижозларига турли диаметрдаги 190 минг тоннадан кўпроқ қувур жўнатади.

Хомутов қувур прокатчиларининг СССРдаги турдош корхоналар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги 35 йилдан бери давом этмоқда. Шу вақт ичида қувур экспорт қилиш 16 баравар кўпайиб, ҳозир завод жами маҳсулотининг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

ЎРИМ-ЙИҒИМ ҚИЗҒИН

БУХАРЕСТ. Руминия далаларидаги ўрим-йиғим ишлари суръати кун сайин кучаймоқда. Статистика маълумотларига қараганда, буғдойзорларнинг 45 процентидаги ҳосил ўриб олинди. Жанубий районларда мева ҳосили терилмоқда. Экинлардан бўшаган ерларга иккинчи экин, асосан маккажўхори ва сабзавот экилмоқда.

«Скинтейя» газетасининг уқтириб ёзишича, қурғоқчилик рўй бериб, республиканинг бир қанча районларидаги экинлар шикастланганлигига қарамай, ҳосилнинг мўл бўлиши кутилмоқда.

(ТАСС).

САВДО-СОТИҚНИ КЕНГАЙТИРИШ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг савдо-саноат доиралари сўнгги олти йил мобайнида биринчи марта ташкил этилаётган ва Москвада ўтказиладиган Америка қишлоқ хўжалик виставкаси — АҚШ «агробизнеси-83»да иштирок этишга актив тайёргарлик кўрмоқдалар. Америкадаги 200 тадан знёд энг катта корпорация ва фирмаларни ўз ичига олган нуфузли ташкилот — Америка — Совет савдо иқтисодий кенгашининг ўтган йил ноябрь ойида СССРда бўлиб ўтган йиллик учрашувида бу виставкани шу йилнинг октябрь ойида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Америка — Совет савдо иқтисодий кенгашида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, Москвада ташкил этиладиган виставка АҚШнинг савдо-саноат доираларида зўр қизиқиш уйғотмоқда. Америкадаги 75 тага яқин етакчи қишлоқ хўжалик компанияси ҳозирдаёқ виставкада иштирок этишини маълум қилди. Кенгашнинг ҳисоблашича, қишлоқ хўжалик техникасини, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналарини, совутгич қурилмаларини ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган АҚШдаги камида юзта корпорация ва фирма Москвада ўз маҳсулотларини намойиш этади. «Биз Америка қишлоқ хўжалик виставкаси Москвада зўр муваффақият қозонади, деб умид қилмоқдамиз», — деди «Ралстон пюрина» компанияси директорлар кенгашининг раиси Уильям Штириц. У АҚШнинг савдо-саноат доиралари шу соҳадаги Америка — Совет савдо-сотиғини ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор бўлур эдилар, деб таъкидлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ПРАГА. Прагадаги В. Пик номли оғир машинасозлик заводи реконструкция қилинганидан кейин дизель электровозлар учун дастлабки маҳсулот — двигателлар ишлаб чиқарди. Чехословакиялик бинокорлар ва монтажчилар пойтахтдаги Смихов саноат районида энг йирик корхоналардан бири бўлган ана шу заводнинг барча ишлаб чиқариш участкаларини атиги икки ярим йил мобайнида тўла модернизация қилдилар.

✦ БОННН. ГФРда энг катта металлистлар касаба союзи Европада ядро қуролидан ҳоли бўлган зонани вужудга келтиришни ёқлаб чиқди. Бу ерда тарқатилган баёнотда ялпи қирғин қуролининг барча турларини тугатиш ҳам талаб этилган. Американинг ўртача олислиққа учириладиган ядро ракеталарини ғарбий Европада, асосан ГФРда жойлаштириш тўғрисида НАТОнинг машъум қарори ҳужжатда ниҳоятда қатъий қораланади.

✦ БАЙРУТ. Исроил босқинчиларининг Байрутдаги талофотлари кун сайин ўсиб бормоқда. Партизанлар Бекаа водийсида Исроил соқчиларига ҳужум қилиб, солдатлардан икки кишини ўлдирдилар ва саккиз кишини жароҳатлантирдилар. Ливан ватанпарварлари отряди мамлакат жанубидаги Хасбайя шаҳрида уюштирган пистирмага Исроилнинг солдатларни ташиётган юк машинаси тушиб қолди. Мана шу дадил операция натижасида қотиллардан яна икки киши ўлдирилди ва 16 киши ярадор бўлди. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН—ПОКИСТОН

МУЗОКАРАЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КОБУЛ, 13 июль. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. С. Юреш Бахтар агентлигига баёнот бериб, АДР ташқи сиёсатининг баъзи жиҳатларига ҳамда БМТ Бош секретарининг шахсий вакили Д. Кордовес орқали Женевада бўлиб ўтган Афғонистон — Покистон музокараларининг якунларига тўхталди.

Томонлар, деди Г. С. Юреш, шу музокаралар чоғида Афғонистон Демократик Республикасининг ишларига аралашишни тўхтатиш ҳамда келгусида яна шундай аралашувни бошламаслик масаласини муҳокама этишга алоҳида эътибор бердилар. Музокаларда муайян силжишга эришилди. Афғонистон делегацияси АДР ташқи сиёсатининг принципларига мувофиқ ҳамда проблемалар музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий бартараф этилишига эришиш мақсадида яхши ниятда эканлигинг намоён этди, масалага реал қараб, зарур ҳозиржавоблик кўрсатди. Музокараларда олга қадам ташланди дейиш мумкин. Ҳозирги мулоқот ва музокаралар ҳеч тўсиқсиз ўтганида эди, яқин келажакда Афғонистон билан Покистон ўртасида мавжуд проблемаларни тезроқ бартараф этишга эришиш йўлида бевосита музокаралар ўтказиш имконияти вужудга келган бўлур эди.

АДР ташқи ишлар министрининг ўринбосари манфаатдор мамлакатлар доиралари билан музокаралар жараёнини давом эттириш ва алоқаларни кенгайтириш мақсадида қарор қабул қилинганлигини айтди. БМТ Бош секретарининг вакили навбатдаги музокаралар даврасида келгусида кўпроқ ҳамжиҳатликка эришиш учун яқин фурсатда Кобул, Исломобод ва Теҳронга боради.

Г. С. Юреш таъкидладики, АДР билан Покистон ўртасида музокаралар бошланиши биланоқ Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги империалистик кучлар шу музокараларда силжиш бўлишига эришиш йўлига ҳар хил баҳоналар билан тўсиқлар қўйишга уринмоқда. Афғонистон аксилинқилобчиларига қурол-яроғ юборишни кўпайтириш ва айниқса АҚШ давлат секретари Шульцнинг яқинда Покистонга қилган визити шундан яққол далолат бериб турибди. Визит чоғида давлат секретари Пешовардаги Афғонистон аксилинқилобчиларини тайёрлаш лагерини бориб кўрди. Шуларнинг ҳаммаси Америка империализми Афғонистон халқига қарши эзлон қилинмаган урушни давом эттириш, регионда кескинликни кучайтириш, АДР билан Покистон ўртасидаги музокараларда муваффақиятга эришиш йўлига қаршилик кўрсатиш учун турли кучғайрат сарфлаш ниятида эканлигини кўрсатади.

Г. С. Юреш айтдики, империализм ва реакциянинг қўпорувчилик ишларига қарамай, АДР Афғонистон теварагидаги проблемаларни бартараф этиш, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга қаратилган тинч ҳаракатларни давом эттираверади ва бу ишлар регионда тинчликни таъминлашга ёрдам бериши мумкин.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ИРОҚ-ЭРОН УРУШИ ВА АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИЗМИ

Икки қўшни мамлакат — Ироқ ва Эрон ўртасидаги биродаркушлик уруши давом этаётганига икки ярим йилдан ошди. У ҳар икки томон учун олиб келаётган йўқотишлар, вайроналик ва талафотларнинг миқдори кундан кунга ортиб бормоқда. Жанг майдонида қолган қурбонлар ва мажруҳларнинг сони ўнларча мингларни ташкил қилади. Ҳар икки томоннинг ўнлаб шаҳарлари, юзлаб қишлоқлари вайрон этилди ва уларнинг икки миллиондан ортиқ аҳолиси хонавайрон бўлиб, қочоқлар лагерларида яшашга мажбур.

Уруш ҳаракатлари олиб борилаётган Шатт ул-Араб қирғоқларида Эрон нефть бойлигининг 90 проценти, Ироқ нефть бойлигининг 35 проценти жойлашган бўлиб, уни қазиб олиш ва экспорт қилиш камайди. Урушнинг давом этишидан Эрон ва Ироқ халқигагина эмас, шу районнинг бошқа халқларига ва атроф муҳитга ҳам зарар етказилмоқда. Ҳозирги кунларда бомбардимон қилишдан шикастланган корхоналарнинг нефти Форс кўрфазига оқмоқда. Айрим маълумотларга кўра, 300 минг баррель нефть оқиб, 60 квадрат километр сув сатҳини қоплаган. Сувнинг ифлосланиши натижасида ушбу район мамлакатлари экономикаси учун катта хавф туғилмоқда, балиқчилик корхоналарининг иши тўхтаб қолган. Моддий талафотлар миқдори, хомаки ҳисобларга кўра ҳам, 100 миллиард доллардан ошиб кетди.

Ҳар икки томоннинг манфаати нуқтаи назаридан мутлақо бемаъни бўлган бу уруш асосан Америка империализмининг жаҳонга ҳукмронлик қилишга интилиш сиёсатидан келиб чиқди.

Тўғри, Эрон — Ироқ чегара жанжаллари тарихи империализмнинг мустамлакачилик сиёсати тарихига бориб тақалади. Ўтмишда инглиз мустамлакачилари иштирокида тузилган қатор битимларда бир неча замонлардан кейин ҳам у ёки бу томоннинг норозилигини қўзғатадиган моддалар киритилган бўлиб, ундан мустамлакачилар турли даврларда икки ўртада жанжал чиқариш учун усталик билан фойдаланиб келганлар. Бу галги жанжал эса Америка империализмига Ўрта Шарқда кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатларига зарба бериш ва бу районда АҚШ мавқеини қайта тиклаш учун керак эди.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари миллий-озодлик ҳаракатидан талвасага тушган Америка империализми очиқ халқаро босқинчилик сиёсатига ўтди. Афғонистон ва Эрон революциялари ғалабасидан сўнг АҚШ «Картер доктринаси» баҳонаси билан Форс кўрфази ва Ҳинд океанига кўп сонли ҳарбий кемалар юборди; «тез ҳаракат кучлари корпуси»ни тузиш ва уларни жойлаштириш учун Миср, Сомали, Кения ва Оманда янги ҳарбий базалар бунёд этишни тезлаштирди. Худди шу мақсадда АҚШ ва унинг иттифоқчилари афғон халқи революцияси душманларини қуроллантирмоқдалар, «стратегик иттифоқчи» бўлган Покистонга ҳарбий ва иқтисодий ёрдам кўрсатмоқдалар.

«Ироқ — Эрон уруши Ўрта ва Яқин Шарқ районида америкаликларга катта ютуқ келтирди, — деб қайд қилди «Нью-Йорк таймс» газетаси. — АҚШ Саудия Арабистони билан ўзининг яширин иттифоқини очиқ ҳақиқатга айлантирди». Америка империализми бу урушдан фойдаланиб, Форс кўрфазининг консерватив давлатларида, айниқса, нефтга бой Саудия Арабистонида ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий таъсирини кучайтириш ва уларни қуроллантиришга киришди.

Эрон — Ироқ уруши оловини ёқишдан Америка империализми араб дунёси бирлигини парчалаб ташлаш, Исроил сионизмига қарши турган умумараб фронтини заифлаштириш, арабларнинг Кэмп-Дэвид битимига қарши, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини кучсизлантиришни мақсад қилиб қўйган эди. Дарҳақиқат, Эрон — Ироқ уруши туфайли иккига бўлиниб кетган араб давлатлари Исроил сионизмига қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш имкониятини қўлдан бердилар. Бундан фойдаланган Исроил сионистлари Вашингтоннинг сўзсиз қўллаб-қувватлаши ва Америка қуроли билан ўзининг агрессив ҳаракатларини авжига чиқармоқда. Ливанга қарши босқинчилик уруши, фаластинликларнинг Сабра ва Шатила лагерларидаги ёвузликлардан сўнг Исроил босқинчилари эндиликда Сурияга қарши «пичоқ қайрамоқдалар».

Икки қўшни мамлакат манфаатларига мутлақо зид ва фақат империализм ҳамда сионизм учун фойдали бўлган бу уруш ҳамон давом этмоқда. Теҳрон ва Бағдоддан урушнинг минглаб ироқликлар ва эронликларнинг ёстиғини қуритаётгани, янги-янги шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлаётгани ҳақида келаётган хабарларнинг кети ўзилмайди. Бу бемаъни уруш қанча тезроқ тўхтаса, ҳар икки мамлакат олдида турган қатор социал-иқтисодий масалаларнинг тезроқ ҳал этилишига шароит яратилар, империализм ва сионизмга қарши курашаётган барча кучларни бирлаштириш имконияти туғилар эди.

Совет Иттифоқи ҳамма вақт томонларнинг эътиборини мана шу масалаларга жалб этиб, улар ўртасидаги жанжалли масалаларни музокаралар билан ҳал қилишга чақириб келди ва бу ишга барча чоралар билан, шу жумладан халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Д. ВАЛИЕВА,
тарих фанлари кандидати.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ПОЕЗДИ БИЛАН

ЛЕНИНГРАД, 14 июль. (ТАСС мухбири). Франция меҳнаткашлари ва касаба союз активлари тинчлик ва дўстлик поездининг қатнашчилари Ленинградда интернационал бирдамлик миссияси билан бўлдилар. Улар Нева бўйидаги шаҳарда шодиёна қабул қилиб олиндилар ва эзгу ниятли дўстларини топдилар.

Совет — Франция дўстлиги митингида касаба союзлари область Советининг раиси Г. С. Андреев меҳмонларни табриклаб поезднинг СССРга келиши азалий анъаналарга эга бўлган Совет — Франция алоқаларини мустаҳкамланаётганлигининг янги бир далилидир, деди. Яхши ниятли барча кишилар сингари совет халқи ҳам халқаро вазиятнинг хатарли ривожланишидан ташвишдадир. Мана шу шароитларда СССР жаҳон урушининг олдини олиш, тинчликни мустаҳкамлаш, барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш изчил йўлини ўтказмоқда.

Европа ядро синов полигони бўлиб қолмаслиги керак. Қитъада Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирилишига йўл қўймаслик учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилиш зарур, деб таъкидлади ўз нутқида умуммеҳнат конфедерациясининг секретари А. Делюша. У умуммеҳнат конфедерацияси Франция ҳукуматининг АҚШ ва НАТО сиёсати йўлини тутмаслиги учун куч-ғайрат сарфламоқда, деди. Биз Совет Иттифоқининг тинчлик таклифларига ижобий баҳо берамиз ва ялпи қуролсизланиш жараёнигина тинчлик ва социал тараққиётга олиб боришига ишонамиз.

Поезд қатнашчилари Смолнийдаги В. И. Ленин ёдгорлик музейини бориб кўрдилар. Улар Пискарево ёдгорлик қабристонида Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ленинградликлар ва жангчиларнинг хотираларини ҳурмат билан эсладилар ҳамда Ёдгорликнинг ўртоқлик мозорларига гулчамбарлар қўйдилар. Ғалаба майдонидаги Ленинград қаҳрамон ҳимоячилари монументига ҳам гулдасталар қўйилди.

Саноат корхоналарининг коллективлари Франция меҳнаткашлари вакилларини самимий қабул қилдилар. Бу ерда дилдан дўстлик суҳбатлари ва мулоқотлари бўлиб ўтди.

Умуммеҳнат конфедерациясининг активи Ж. Кроза Ленинградга ташрифни икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик иши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик воқеа деб баҳо берди. Уйга қайтиб боргач, совет кишилари эришган катта-катта ютуқлар тўғрисида, ядро уруши хавфи олдини олиш улар учун асосий вазифа бўлиб қолаётганлиги ҳақида албатта гапириб берамиз, деди у.

Меҳмонлар Франциянинг миллий байрами — Бастилия ишғол этилган кунга бағишлаб чет мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва тинчлик уйида бўлиб ўтган кечада қатнашдилар.

ЯНГИЛИКЛАР — 83

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё область музикали драма театрининг сенъаткорлари бир неча кун давомида қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш, Жалолобод, Қизилқия, Кўчқорота шаҳарлари ва Сўзоқ, Корасув, Бозорқўрғон районларининг меҳнаткашлари ҳузурида бўлишиб, ўзларининг санъатларини намойиш қилдилар. Санъат усталари ижро этган эрман драматурги А. Папаяннинг «Чет эллик қуёв», А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» комедиялари ,«Уч бўйдоқ», «Имзо», «Ер томири» каби спектакллари томошабинларга манзур бўлди.

Э. ЖУРАБОЕВ.

ДОҲИЙ НОМИДАГИ ХИЁБОН

Иштихон районидаги Митан посёлкасида Карл Маркс хотирасига бағишлаб хиёбон барпо этилди. Гулзор ва фонтанларга бурканган хиёбоннинг ўртасида доҳийга бронзадан бюст ўрнатилди. Унинг пойдеворига мармар билан сайқал берилган.

Бу ер иштихонликларнинг дам олиш маскани бўлиб қолди.

Р. УРОНОВ.

САМАРҚАНД АРТИСТЛАРИ ХОРАЗМДА

А. П. Чехов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд рус драма театри коллективи бир неча кундан буён Хоразмда гастролда юрибди. Театр санъаткорлари хоразмликларга кўрсатиш учун етук рус ва ўзбек драматургларининг энг яхши саҳна асарларини олиб келишган.

Улар Огаҳий номидаги область драма ва комедия театри саҳнасида Урганч шаҳар меҳнаткашларига ва область пахтакорларига У. Умарбеков, В. Константинов, Б. Рацер, А. Дударев каби драматургларнинг спектакларини намойиш қилдилар.

А. ЭШМАТОВ.

ШИФОБАХШ ЗАҲАР ФАБРИКАСИ

Мамлакатнинг жанубидаги илонхоналар кўпчилиққа маълум, лекин шулардан бири Москва чеккасида, автомобиль халқа йўлидан сал берида, химик шаҳри ёнида жойлашганлигини кўпчилик яхши билади. Бу ерда тажрибали герпетолог мутахассислар илонлардан медицина саноати учун зарур заҳар оладилар.

... Сим тўр билан қуршалган майдончалар ёнига яқинлашамиз. Шуларнинг ҳар бирида ранг-баранг: қора, жигарранг, кулранг, бўзранг юзлаб заҳарли илонлар яшайди. Улар одам яқинлашганида ўзини ҳар хил тутади: кўпдан бери яшаётганлари офтобда исинишини давом эттираверади, янгилари эса хуркагичдир, шунинг учун ҳам пичан ғарами остига кириб яширишга ошиқади. Илонлар жуда эҳтиёткор махлуқ бўлиб, табиий шароитларда одамдан қочишга ҳаракат қилади.

— Илонларни Россия Федерациясининг турли районларидан келтириб туришади, — дейди илонхона директори В. Дурнов. — Мутахассисларимиз эса уларнинг заҳарини ола биладилар. Герпетологлар бу иш хатарли эмас, лекин маълум чаққонликни талаб этади, дейдилар. Илонлар қафасга йиғилиб, чоғроқ бир уйга олиб ўтилади. Уй эшигига «Бегоналарнинг кириши тақиқланади!» деб ёзиб қўйилган.

Бу ердаги нишлар оқ халат кийиб ишлашади. У ерда салгина шовқин бўлишига ҳам йўл қўйилмайди. Герпетолог илон бошини чаққон ушлаб олиб заҳар солиниадиган идиш ёнига келтиради. Илон полиэтилен плёнкани чақади ва бир томчи сап-сариқ заҳар идишга оқиб тушади.

Шу заҳар термостатик ишловдан сўнг заргалдоқ тусдаги кристалларга айланади. Бу ерда ҳар ойда ҳар бир илондан ўрта ҳисобда атиги неча ўн миллиграмм қуруқ заҳар олинади. Бу заҳар олтиндан ҳам қиммат туради.

Илонхонада яшайдиган жониворларни бемалол нафли илонлар, дейиш мумкин. Кишиларга саломатликни қайтарадиган дорилар составида шуларнинг заҳари бор. (ТАСС).

ФАКТ ВА ШАРҲ

УЛУҒБЕК НОМИДА ЯНГИ САЙЁРА

Яқинда Халқаро планеталар марказидан хушхабар келди. Марказ янги кашф этилган кичик сайёрага ўрта асрда яшаган буюк мутафаккир, самарқандлик улкан илм тарғиботчиси Улуғбек номини беришга қарор қилибди.

Маълумки, Қуёш системаси деб аталувчи бизнинг системамизга тўққизта катта сайёра — Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун ва Плутонлардан ташқари жуда кўп кичик сайёралар (астероидлар) ҳам киради. Уларнинг аксарияти Марс ва Юпитернинг Қуёш атрофидаги ҳаракат йўли — орбитаси орасида жойлашган. Ҳозиргача кашф этилган ва рўйхатга олинган бундай кичик сайёраларнинг сони 2500 га яқинлашиб қолди, ҳар йили янгилари кашф этилмоқда. Бу ишда совет астрономларининг, айниқса, Қрим астрофизика обсерваториясининг кузатувлари салмоқли бўлмоқда.

Ҳар бир янги сайёра кашф этилганидан сўнг узоқ вақт кузатиб борилади. Олинган натижалар сайёранинг ҳаракат йўлини синчиклаб ўрганиш, унинг ҳақиқатан ҳам янгилигини тасдиқлаш мақсадида электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилади. Одатда бир неча йил давом этадиган бундай машаққатли иш ҳозир Ленинграддаги назарий астрономия институтида олиб борилади.

Сайёра ана шунда ҳам янги деб топилса, у ҳолда унга алоҳида тартиб номери ҳамда биринчи бўлиб кашф этган мутахассис-астрономнинг хоҳишига кўра махсус ном берилади. Агар ўтмишда сайёраларга грек афсоналари қаҳрамонлари, гуллар, давлатлар, шаҳарлар номи берилган бўлса, кейинги вақтларда улар машҳур олимлар, маданият намояндалари ва буюк сиймолар номи билан аталмоқда. Масалан, 1802 йилда кашф этилган биринчи кичик сайёрага Церера, шундан кўп вақт ўтмай топилган сайёрага эса Паллада, 1804 йилда кашф этилган учинчи сайёрага Юнона номлари берилган. Эндиликда уларнинг ичида биз жуда кўп совет шаҳарлари (Москва, Ленинград, Феодосия...) ва олимлари (Бредихин, Фесенков, Ландау, Амбарцумян, Королев...) номларини ҳам учратамиз.

Таниқли совет олими С. И. Белявский доҳиймиз В. И. Ленин номини қонотда ҳам абадийлаштириш мақсадида Улуғ Ватан урушидан олдин Симеиз обсерваториясида ўзи кашф этган янги кичик сайёрага «Владилена» деган ном қўйишни таклиф этди. Ҳозир бу сайёра умумий халқаро рўйхатдан (тартиб номери 852) ўз жойини олган.

Узоқ космик фазода учиб юрган кичик сайёралар орасида республикамизга «алоқаси» борлари ҳам маълум. Шулардан бири тартиб номери 1351 бўлган «Узбекистания» номли кичик сайёрадир. Унга бу номни уруш йиллари диёримизда ўз илмий-кузатув ишларини давом эттирган таниқли рус астрономи Г. Н. Неуймин берган. Иккинчиси яқинда эълон қилинган «Шчеглов» (тартиб номери 2377) кичик сайёраси бўлиб, унга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. П. Шчеглов номи сайёрани кашф этган олим Н. Черних-нинг таклифига биноан берилди.

Мирзо Улуғбек номи берилган янги кичик сайёра эса 1977 йилда СССР Фанлар академиясига қарашли Қрим астрофизика обсерваториясида яна ўша астроном-олим Н. Черних томонидан кашф этилган. Кейинги йилларда олиб борилган кузатувлар ва ҳисоблашлар натижаларига кўра унинг диаметри 15 километрга яқин. Қуёш атрофида айланиш даври беш ярим йилни ташкил этади. Бу сайёрани ҳам фақат телескоплар ёрдамида кузатиш мумкин. Бундай қулай вақт шу йил кузга тўғри келади. Шунда унинг кўринма равшанлиги анча ошади.

Хўш, кичик сайёраларни кузатишдан мақсад нима? Аввало шуни айтиш керакки, Қуёш системасида, Марс ва Юпитер оралиғида қандайдир бир сайёра бўлиши кераклигини биринчи кичик сайёра Церера кашф этилишидан қарийб 200 йил олдин, 1596 йилда машҳур немис олими Кеплер башорат қилган эди. Шундан кейин атоқли олимлар қайта-қайта бу масала устида бош қотирдилар. Ҳар гал шу оралиқдаги номаълум сайёрани ахтариш кун тартибига қўйилаверди. Хуллас, Марс билан Юпитер оралиғида яхлит бир катта сайёра эмас, балки жуда кўп кичик сайёралар мавжудлиги аниқланди.

Кичик сайёраларнинг бирин-кетин кашф этилиши билан астрономия фани янада ривож топди. Ердан Қуёшгача бўлган масофани аниқроқ белгилаш имкони туғилди. Катта сайёралар массасини ҳисоблаб топиш, умуман Қуёш системасининг келиб чиқишини ўрганиш ишлари кўлами кенгайди. Албатта, бу системадаги ҳамма жисмларни ҳисобга олмай туриб, унинг ўтмиши ва келажаги ҳақида тўла фикр-мулоҳаза юритиш мумкин эмас.

Космос — фазога учиш ва уни забт этиш астроном олимлар олдига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда. Булардан бири юлдузларнинг аниқ вазиятларини ўз ичига олган каталоглар тузишдир. Ана шундай аниқ каталоглар тузишда кичик сайёраларни кузатиш, улар ҳаракатини синчиклаб ўрганиш натижалари энг зарур босқичлардан бири ҳисобланади.

А. ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия институти директорининг ўринбосари.

Урганчнинг янги микрорайонларидан бирида 320 ўринли болалар комбинати очилди. Бу ерда истиқбол эгалари соғлом, ҳар тарафлама баркамол бўлиб ноёга етишлари учун ҳамма шароит яратилган. Комбинатнинг икки қаватли биносига қуёш қурилмаси ўрнатилган. Қурилма ҳам бинони иситади, ҳам иссиқ сув билан таъминлаб туради. Суратда: комбинат тарбияланувчиларининг ҳар бир куни ана шундай, мазмунли ва хушчақчақ ўтади.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

РУС ТИЛИ — ҚАРДОШЛИК ТИЛИ

«ҒУНЧА» ИБРАТИ

РЕПОРТАЖ

Йигирма икки нафар ўғил-қизалоқнинг диққат-эътибори доска олдидаги мураббияда.

— Бу расмдаги сабзавотларни биласизларми, болалар? — деди у суратни иларкан.

— Биламиз, биламиз! — деб чуғурлашди болалар.

— Қани, сен айтчи Дилшод, бу нима?

— Пиёз.

— Буниси-чи? Сабзи... Карам, бодринг, картошка.

— Хўш, болалар, энди бу сабзавотларнинг русча қандай айтилишини биласизларми? Қани, ким айтади?

Болалар келишиб олгандек баб-баравар қўл кўтаришди. Асосан Навоий номли колхоз деҳқонларининг фарзандлари қатнайдиган боғчада рус тили машғулоти ярим соатча давом этди. Шу вақт ичида тарбиячи янги сўз ўргатишга, уни тўғри талаффуз қилиш, содда гаплар тузишда ишлатишга ундади. Болаларни чарчатиб қўймаслик учун русча сўзларни ёдлаб қолишга қаратилган ўйин ўтказди. Сўнгра янги темани такрорлаб, қийин ўзлаштираётган болаларга тушдан кейин яна шуғулланишни тайинлаб, яхши ўрганаётганларни рағбатлантириб машғулотни якунлади.

Баҳри Бойматова ҳар машғулотни ана шундай, жонли ўтказишга ҳаракат қилади. Она тилида анча эркин сўзлайдиган 5-6 ёшли болаларга шу йўсин сабоқ беришнинг ўзига яраша гашти бор. Рус тилини боғча ёшидан бошлаб ўргатиш яхши самара бериши эса тажрибада исботланган.

— Болалар-ку, болалар-а, жажжиларимизнинг рус тилини ўрганишига ота-оналар ҳам қизиқиб қолишди, — дейди боғча мудираси Л. Зокирова. — Улар бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳар сафар боғчага келганларида тарбиячиларга учраштириб, болаларининг рус тили ўрганиш машғулотларида қандай иштирок этаётганларини суриштиришади, маслаҳатлар олишади.

Бу ерда рус тили ўргатиш бўйича методик кабинет очилган. Унда магнитофон, фильмоскоп, рангли телевизор, диапроектор каби техника воситалари бор. Махсус жавонларга диафильмлар, кино ва магнитофон лентали, грампластинкалар, кўргазмали қуроллар, ўқув-методика адабиётлари, сюжетли расмлар териб қўйилган. Тарбиячилар улардан ўз ишларида унумли фойдаланадилар, илғор тажриба ҳамда методикага оид адабиёт ва илмий мақолаларни ўрганадилар. Методик кабинетда ҳафтада бир марта очиқ машғулот ўтказилади. Баҳри Бойматова ва Тамара Рисқуловалар навбати билан ўтадиган бу хил машғулотдан кейин тарбиячилар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадилар, амалга ошириладиган ишларни режалаб оладилар.

Дарҳақиқат, Жиззах район халқ маорифи бўлимига қарашли «Ғунча» болалар боғчасида рус тили ўргатиш бўйича диққатга сазовор тажриба тўпланди. Бу ерда типовой программа ҳамда методик қўлланма асосида маҳаллий шароит ва болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, икки ҳафта илгари алоҳида дафтарга машғулот ўтказиш плани тузиб қўйишади. Ҳар бир машғулот илгаридан ҳозирланган ранг-баранг кўргазмали қуроллар, альбомлардан, мева, сабзавотларнинг ўзидан фойдаланган ҳолда ўтилади.

— Махсус дафтар тутиб, ҳар бир тарбияланувчи нутқининг характерли томонларини, камчиликларини, тутилиш ва сўзлашга қийналиш ҳоллари ҳақидаги кузатишларимни, бу камчиликларни тугатиш ҳақида фикрларимни ёзиб бораман, — деди биз билан суҳбатда Б. Бойматова. — Нутқ билан эмоция ўзаро боғлиқ дейишганича бор. Баъзи болаларни машғулот пайтида қийнайдиган сўзлар бор. Лекин бу сўзларни улар қўшиқ қилиб, музика билан ижро этганда бинойидек талаффуз қилишаётганини пайқаб қолдим. Шу-шу музикадан машғулот олиб борувчи Озода Исмоилова билан «Ц», «Ш», «Ы» каби қийин талаффуз этилувчи товуш кўп учрайдиган қўшиқларни топиб, болаларга ўргатяпмиз. Шунингдек, телекўрсатувлардан, магнитофон ёзувларидан, грампластинкаларга ёзилган қўшиқлар эртаклардан ҳам фойдаланяпмиз. Машғулотларнинг бундай ранг-баранг бўлиши болаларда катта қизиқиш уйғотиб, яхши самара беряпти.

... Йигирма икки нафар ўғил-қизалоқнинг нигоҳи мураббияда. Ленин набиралари доҳий тилини ўрганиш-ўзлаштириш йўлида илк сабоқ олмоқдалар.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

✦ **ВЕЛОПОЙГА.** Украина йўллари бўйлаб куч синашаётган велосипедчилар еттинчи босқич баҳсларидан кейин дам олиб, саккизинчи босқичда 200 километрли йўл босишди. Феодосия — Алушта — Феодосия шаҳарлари ораларида ўзаро куч синашган пойгачилар марра сари астойдил интилдилар. Ўзбекистонлик Ж. Абдужабборов маррага иккинчи бўлиб келди.

✦ **ЭШКАК ЭШИШ.** Москвада академик эшкак эшаш бўйича Спартакиада чемпионлиги учун кураш бошланди. Вакилларимиз саралаш ўйинларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Жумладан, қизлар ўртасида икки кишилик қайиқда Н. Коваленко билан Л. Пидопригоралар финалга йўлланма олишган бўлса, И. Литвиненко бир кишилик қайиқда баҳслашиб ярим финалга чиқди. Йигитларимиздан Я. Упитис билан И. Сафинлар икки кишилик қайиқда, А. Заблоцкий 8 кишилик қайиқда мусобақалашиб, ярим финалга йўлланма олдилар.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМЛАР ЎРНИ ЎЗГАРДИ

Олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг 20-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бу сафар фахрли ўринларни эгаллаб турган командалар қимматли очколарни бой беришди. Жумладан, биринчи ўринда бораётган «Черноморец» Москвада спартакчилардан (0:4) енгилган бўлса, «Жальгирис» Бокуда «Нефтчи» командасидан (0:3) мағлубиятга учраб, бешинчи ўринга тушди. Минск динамочилари эса Тбилисида клубдошларидан устун (2:1) келиб, 24 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди. Ўн бир учрашувдан бери мағлубиятсиз ўйнаб келаётган «Пахтакор» ўз майдонида «Днепр» футболчиларидан енгилиб, икки погона пастлади. А. Дилай киритган ягона тўп «Днепр» командасининг 23 очко билан учинчи ўринга кўтарилишига имкон берди. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди. «Динамо» (М) — «Нистру» — 2:1, «Арарат» — ЦСКА — 1:1, «Торпедо» (К) — «Торпедо» (М) — 3:1, «Зенит — «Шахтёр» — 0:2.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

(Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй)

Кундузги ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; химиявий толалар технологияси; табиий ва химиявий толаларни йигириш; пардозлаш ишлаб чиқаришнинг технологияси ва ускуналари; трикотаж ишлаб чиқариши; тикувчилик буюмлари технологияси; полиграфия ишлаб чиқариш технологияси; тўқувчилик; тикувчилик буюмларини конструкциялаш; кенг истеъмол моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; меҳнатни нормалашни ташкил этиш.

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш; тикувчилик буюмлари технологияси; тўқувчилик; тикувчилик буюмларини конструкциялаш; кенг истеъмол моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; меҳнатни нормалашни ташкил этиш.

Сиртқи ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; тўқувчилик; кенг истеъмол моллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; трикотаж ишлаб чиқариши; табиий ва химиявий толаларни йигириш.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

(Наманган шаҳри, 2-микрорайон, 142-уй)

Кундузги ўқишга: табиий ва химиявий толаларни йигириш; тўқувчилик.

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш, тўқувчилик.

Сиртқи ўқишга: тўқувчилик.

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ

(Андижон шаҳри, Фрунзе кўчаси, 19-уй)

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари; табиий ва химиявий толаларни йигириш; тўқувчилик.

Сиртқи ўқишга: трикотаж ишлаб чиқариши.

МАРҒИЛОН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Марғилон шаҳри, Ипак комбинати)

Кечки ўқишга: тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари табиий ва химиявий толаларни йигириш; тўқувчилик.

Сиртқи ўқишга: тўқувчилик.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: санитария-гигиена факультетида ички касалликлар, спорт медицинаси жисмоний тарбия билан бирга, илмий коммунизм, чет тиллари (фан докторлари, фан кандидатлари);

кафедра профессори: ёш болалар стоматологияси;

кафедра доцентлари: биринчи даволаш факультетида умумий хирургия, биринчи даволаш факультетида болалар касалликлари, биохимия, сил касалликлари, суд медицинаси, нейрохирургия, ҳарбий-дала хирургияси билан бирга, бионеорганик ва биофизик химия, сиёсий иқтисод, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, онкология;

кафедра ассистентлари: даволаш факультетида ички касалликлар (11 ўрин), санитария-гигиена факультетида ички касалликлар, биринчи даволаш факультетида ички касалликлар пропедевтикаси (2), иккинчи даволаш факультетида ички касалликлар пропедевтикаси (1,75), иккинчи даволаш факультетида тери-венерик касалликлари, биринчи даволаш факультетида болалар касалликлари, асаб касалликлари, патологик физиология (3), фармакология (2), эндокринология, биохимия (4), оператив хирургия топографик анатомия билан бирга, травматология ва ортопедия, нейрохирургия, нормал физиология (2), коммунал гигиена (2), болалар ва ўсмирлар гигиенаси (2), хирургик стоматология (4), ортопедик стоматология (3), терапевтик стоматология (2), ёш болалар стоматологияси, нефрология курси бўйича (2), медицина тарихи курси бўйича, психиатрия, акушерлик-гинекология (ярим ставка);

кафедра катта ўқитувчилари: рус тили (5), совет ҳуқуқи;

кафедра ўқитувчилари: рус тили (6), лотин тили (2), химия (тайёрлов бўлимида ишлаш учун).

ИЛМИЙ БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА:

кафедра катта илмий ходимлари (5 ўрин);

кафедра кичик илмий ходимлари (8 ўрин).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700033, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй. Телефонлар: 32-35-36, 66-98-59.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

дарс бериш учун фан докторлари ва кандидатларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ФАНЛАР: гидравлика, теплотехника, қурилиш машиналари, гидромелиоратив машиналари, металлар технологияси, темирбетон ва тош конструкциялари, гидротехника иншоотлари, геодезия инженерлиги, асослар ва пойдеворлар, саноат ва граждан бинолари ҳамда қишлоқ хўжалиги бинолари архитектураси, қурилиш материаллари, машина деталлари, механизмлар ва машиналар назарияси, қурилишни бошқаришнинг автоматик системаси, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, қурилиш ишлаб чиқаришнинг технологияси.

Қабул қилинган мутахассислар шинам квартира билан таъминланадилар.

Адрес: Ўзбекистон ССР, 716042, Наманган шаҳри, Совет райони. Телефонлар: 5-26-95, 6-22-23.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»НИНГ ТОШКЕНТ ПОСИЛКА БАЗАСИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисининг якка тартибдаги буюртмасига биноан ўзбек ва рус тилларидаги грампластинкалар ва магнитофон касеталарининг устама баҳоли савдосини

ТАШКИЛ ЭТАДИ

Ижтимоий-сиёсий мавзуда; Мамлакатимиз ва чет эл классикларининг қўшиқлари; Совет композиторларининг асарлари.

Буюртмалар ушбу адресга юборилади: 700057, Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, 5-уй.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» нинг ТОШКЕНТ ПОСИЛКА БАЗАСИ.

Телевидение

16 ИЮЛЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.30 — Спортлото. 10.40 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.10 — Ёзувчилар тинчлик учун курашда. 12.05 — Ёшлар адреслари. 12.35 — Музей ва кўргазмаллари бўйлаб. 12.55 — Голиблар. 14.25 — Камалак. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Дўстларимиз чеҳраси. 16.00 — Мардлик қонунига биноан. 16.25 — Сиёсий шарҳловчи В. Л. Бекетов суҳбати. 16.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.00 — Концерт. 19.15 — Елканлар остидаги ўлим. Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 00.10 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Тонгги почта. 10.00 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Концерт. 11.15 — Излаш ва қутқариш: Альфа командаси. Бадиий фильм. 2 ва 3-қисмлар. 13.05 — Ҳужжатли фильм. 13.25 — Мўлжалга олиш бўйича мусобақалар. 13.50 — Музикали киоск. 14.20 — Эстетик тарбия. 14.50 — Ўзбекистон телевидениесининг программаси. 16.15 — Ҳаётга йўлланма. 17.05 — Фильм-концерт. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 17.40 — СССР халқлари VIII Ёзги Спартакиадасида. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Халқаро обзор. 19.25 — Фестивалар. Конкурслар. Концертлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Бемаҳал келган одам. 23.40 — СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадасида.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Мультфильм. 11.15 — Светофор. 12.15 — Ўз ихтиёри билан. Бадиий фильм. 13.25 — Иккинчи истеъдод. 14.10 — Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 14.30 — Буни ҳамма билиши ва уддаласи керак. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Тенгдош. 19.00 — Сиҳат-саломатлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Манзаралари фильм. 20.00 — Ўзбекистон давлат санъат музейи заллари бўйлаб. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Шанба тароналари. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.25 — Футбол чорраҳаларида.

18.00 — Тожикистон телевидениесининг программаси.

17 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Кўрик-конкурс. 9.55 — Будильник. 10.25 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.25 — Здоровье. 12.10 — Тонгги почта. 12.40 — Совет туроғидаги учрашувлар. 12.55 — Қишлоқ ёпиқликлари. 13.55 — Музикали киоск. 14.25 — Бугун — Металлургларга кўнгил. 14.55 — Металлургларга талабларига биноан концерт. 15.55 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Энг иссиқ ой. Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 18.25 — Халқаро панорама. 19.10 — Мультфильм. 19.30 — Анна Герман. Тақдир ва қўшиқлар. 20.30 — Саёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 22.50 — Телефильм. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.15 — Ранг-баранг хоронод. 9.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.15 — Концерт. 11.10 — Ҳайвонот оламида. 12.10 — Болалар учун фильм. 13.15 — Концерт. 13.45 — Асли болаликдан. 14.30 — Стадион ҳамма учун. 15.00 — Мамлакат телевидение студиясининг программалари. 15.45 — Эрмитаж. 7-фильм. 16.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.45 — Композитор, дирижёр, театр... 17.45 — Мультфильм. 18.00 — Фильм-концерт. 19.15 — Илк қувончлар. Бадиий фильм. 3-серия. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. ЦСКА — Металлист. 23.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Музикали фильм. 10.45 — Таня ва икки мушкетёр. Бадиий фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Абитуриент — 83. 13.30 — Концерт. 14.25 — Ўзбекистон спорти. 15.00 — Реклама. 18.00 — Концерт. 18.30 — Ал-Хоразмий туғилган кунинг 1200 йиллигига. 19.00 — Бугун — Металлургларга кўнгил. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва наво. 21.30 — Время. 22.05 — Назм ва наво (давоми). 22.45 — Телефильм. **15.35 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.**

Радио

16 ИЮЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Дуголалар. 11.30 — Дутор тароналари. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ёшлар санъати. 14.00 — Табаррук замин. 17.00 — Музикали радиопочта. 18.15 — Халқаро ахпол кундалиги. 18.30 — Спорт программаси. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Тинчлик-инсониятнинг бебаҳо мулки. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Ўзбек шоирларининг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш соатида. 24.00 — Хайрли тун.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.